



Яхшилик қил, яхши ўй ўйла

13-бет

Ishonch

2008-йил

6-ноябр

№136

(2549)

payshanba

Ijtimoiy-iqtisodiy gazeta * E-mail: ishonch-doverie@mail.ru * Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

Болгария Президенти Ўзбекистонга Келди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифига биноан Болгария Республикаси Президенти Георги Парванов 5 ноябр куни давлат ташрифи билан Ўзбекистонга келди.

Пойтахт аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев кутиб олди.

Болгария Республикаси Президенти Георги Парванов Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов билан учрашади. Президентлар икки томонлама муносабатларни янада ривожлантиришга доир масалаларни, ўзларини қизиқтирган халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик муаммоларни муҳокама қиладилар. Музокаралар якунида Ўзбекистон ва Болгария ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

(ЎЗА)

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги олдидан



АГАР ТУШГАН БЎЛСА ТОШКЕНТГА ЙЎЛИНГ

Ойга етмадими узатган кўлинг,
Куйдирдими Кўёш киприкларинг ё?
Агар тушган бўлса Тошкентга йўлинг,
Армонинг қолмабди, э дўст, мутлақо!

Ойни кўятуртил,
Осмонда, ана,
Кўёш ҳам машъала қачондан бўён.
Дунё шаҳарларин бирма-бир сана,
Тош босиб кетади Тошкентга томон.

Бўлгани учунмас Нон шаҳри,
Йўқ-йўқ,
Аталгани учун Тинчлик шаҳри ё.

Шунчаки,
Тошкентнинг сеҳри,
Меҳри кўп,
Нур сочар кафтида Ой, Кўёш гўё!

Қайсидир шаҳардан эҳтимол кичик,
Балки ёруғроқдир қайсидир шаҳар.
Аммо яшар бунда ўзидан кечиб,
Ўзлигини топган танти одамлар.

Ойга етмадими узатган кўлинг,
Куйдирдими Кўёш киприкларинг ё?
Агар тушган бўлса Тошкентга йўлинг,
Армонинг қолмабди, э дўст, мутлақо!

Зайниддин РИХСИЕВ

Анонс



«Такдирни кўл
билан яратур
инсон...»

3-БЕТ



Раҳимберди
мерганлар яна
туғилармикан?

4-БЕТ



Муҳаммадқодир
қаерда?

14-БЕТ

□ Етакчи минбари

Келишув ижроси таъминланмоқда

Боғот туманида 50 та мактаб, 26 та боғча, 3 та мактабдан ташқари муассаса, 1 та спорт интернати бор. Уларда 4100 нафардан ортиқ ходим хизмат қилади.

Соҳа ходимларининг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида туман халқ таълими бўлими маъмурияти ҳамда туман касаба уюшма вакиллиги ўртасида 2008-2010 йиллар учун тузилган келишув ижросини таъминлашга қаратилган бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Таъкидлаш жоизки, таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини янада такомиллаштириш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш, ходимларга қулай иш шароитлари яратилишида ушбу келишувнинг аҳамияти катта бўлаётган.

Илғор тажрибаларни тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратилаётгани ўз самарасини бермоқда. Бултур 48 нафар ўқитувчининг илғор тажрибалари ўрганилиб, 18 ўқитувчининг ишлари оммалаштирилган, турли мавзуларда 42 та амалий-услубий семинарлар ўтказилган эди. 2008-2009 ўқув йилида ўқув муассасаларида ижодий муҳитни янада яхшилаш йўлида изланишлар давом эттирилмоқда.

Ҳар бир дарснинг давлат таълим стандартлари талаби даражасида бўлишига эришиш, ўқитишнинг замонавий янги педагогик технологияларидан кенг фойдаланиш учун тавсиялар ишлаб чиқилган бўлиб, ёш мутахассисларга методик ёрдам бериш мақсадида илғор тажриба мактаблари базасида маслаҳатлар ташкил қилинган. Аксарият ходимлар доимий ҳаракатдаги ўқув семинарларининг фаол иштирокчиси бўлаётганлиги, айниқса, таҳсинга лойиқ.

Таълим муассасалари биноларини таъмирлаш, қиш мавсумида нормал ишлашини таъминлаш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқилди. Спорт заллари ва майдончаларининг талаблар даражасида таъмирланиб, жиҳозланиши уларнинг етарли фаолият юритишларига сабаб бўлди.

Барча муассасаларда маънавият хоналари ташкил қилинган бўлиб, улар ёшларни миллий истиқлол ғоялари асосида тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Мактабдан ва синфдан ташқари тарбия жараёнига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ёшлар ижодиёт марказида фаолият кўрсатаётган 20 та тўғаракка 700 нафардан зиёд ўқувчи жалб этилган.

Ободонлаштириш ишларига ҳам катта эътибор берилмоқда. Барча таълим муассасаларида теракзорлар ташкил қилинди, гулчилик ривожлантирилди. Айниқса, хона гулларини кўпайтиришга кўпроқ эътибор қаратилди.

Ўз навбатида таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси туман вакиллиги томонидан келишув ва 26 та жамоа шартномаси шартлари бажарилиши доимий назоратга олинган. Меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлигини таъминлаш учун тегишли маблағлар сарфланди. Соҳа ходимларининг республика санаторийларида, УрДУ қошидаги санаторий-профилакторийда саломатликларини мустаҳкамлашларига кенг имкониятлар яратиб берилмоқда. Уларнинг фарзандлари туман ва республика оромгоҳларида мириқиб дам олмақдалар.

Бинолар, синфлар ва таълим устахоналари миллий кадрларимизга ҳамоҳанг тарзда жиҳозланди. Кутубхоналар бадий ва методик адабиётлар билан бойитилди. Шунингдек, ёшларнинг жисмоний соғломлигини ошириш, уларни спортга кенг жалб қилишга эътибор ошди.

Аъзолар касаба уюшма ҳақида бошланғич ташкилотлар фаолиятига қараб, муайян тасаввурга, маълумотга эга бўладилар. Шу боис ушбу ташкилотларимиз фаолиятини янада яхшилаш юзасидан мунтазам чора-тадбирлар кўриб келмоқдамиз. 3-сон лицей-интернат бошланғич ташкилот раиси Бахтиёр Каримов, 1-мактаб бошланғич ташкилот раиси Гулора Рўзметова, 1-мактабгача таълим муассасаси бошланғич ташкилот раиси Мақсуда Қурбонбоевалар фаолияти барчага ибрат. Улар каби фаолларимиз кўмагида жамоа шартномаси шартларининг тўлиқ бажарилишига эришиб келмоқдамиз.

Ширинжон ЮСУПОВА,
Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси
Боғот туман кенгаши раиси

«Меҳр-шафқат» хизмати

Қизил ярим ой жамияти Темирийул кенгаши тасарруфида яна бир саховатпеша хизмат ташкилоти юзага келди. «Меҳр-шафқат» деб номланган бу жамоа ўз фаолиятини маблағ тўплаш ойлигини ўтказиш билан бошлади.

Аҳолининг кам таъминланган қатлами, боқувчисини йўқотган ҳамда ёлғиз қолган қария ва етим болаларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида муайян савий-ҳаракатлар кўрсатилмоқда.

Ушбу йўналишда ҳамширалар жалб қилинган гуруҳлар ҳам тиббий хизмат билан шуғуллана бошлади. Қисқа вақт ичида улар ёлғиз қолган қарияларнинг меҳрибон шифокорига айланиб улгурдилар.

Бир неча эҳтиёжманд кишиларга ногиронлик аравачалари тортиқ қилинди.

Акбар АЛИЕВ

Пойтахтлик ўқувчилар Андижонда

Пойтахтимизнинг бир гуруҳ мактаб ўқувчилари «Ватанимни ўрганаман» шиори остида Андижон вилоятида меҳмон бўлди. Гуруҳ раҳбари З.Далимовнинг таъкидлашича улар ҳар йили республикамизнинг турли вилоятлари бўйлаб саёҳатга чиқиб, ўша вилоятнинг тарихий обидалари ва бугунги ҳаёти билан яқиндан танишадилар.

Андижон шаҳридаги Бобур қадамжоларини зиёрат қилган ўқувчилар Асакадаги автомобил заводи фаолияти билан танишишди. Вилоят ўлкашунослик музейида ҳам бўлиб, Андижон тарихига доир маълумотлар ва асори-атиқалар

ни кунт билан кўздан кечирдилар.

Саёҳатнинг «Лола» кўғирчоқ театрида бўлиб ўтган якуний қисми пойтахтлик мактаб ўқувчиларининг ёдидан чиқмайдиган бўлди. Улар театрнинг 41-мавсум очилишида иштирок этиб, Рашид Ҳўққиевнинг «Боз-боз, кўғирчоқбоз» спектаклини мириқиб томоша қилишди.

Ўз навбатида тошкентлик мактаб ўқувчилари ва уларнинг ота-оналари андижонликларнинг меҳмондўстлиги учун ўзларининг салимий миннатдорчилигини изҳор этди.

Абдулхай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

«Октоштрансавто» МЧЖга Самарқанд шаҳрида ишлаб чиқилаётган «ISUZU» автобусидан 15 таси олиб келинган эди.

Йўлингиз равон бўлсин

Ҳозирда «ISUZU»лар яна 5 тага кўпайди. Жамият меҳнат жамоасининг лизинг асосида кўлга киритган ушбу яп-янги транспортлари ҳам эндиликда ўз йўналишарини белгилаб олишди.

— Авваллари ёлланма транспортларда Нарпай туман марказига қатнайдиغان йўловчилар йўл ҳақини оғриниб тўлашга мажбур эдилар, — дейди автокорхона раҳбари Эрдон Раҳмонов. — Энди эса аҳоли турли йўналишларда фаолиятини бошлаган беминнат уловлар хизматида узоқларини яқин, оғирларини енгил қила бошлади. Йўл ҳақи эса аввалги нархдан икки баравар арзон.

Мансур АЛОВУДДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

Саломатлик поезди жўнатилди

Қорақалпоғистон Республикасига «ЭКОСАН» саломатлик поездларининг навбатдаги бешинчиси жўнатилди. 92 миллион сўмлик ёрдам юки Оролбўйи минтақаси томон йўл олди. Унда болалар ва катталар учун кийим-кечаклар, пойабзаллар ҳамда бошқа халқ истеъмолли моллари бор.

М.МИРСОВУРОВ,
«ЭКОСАН» халқаро ташкилоти маслаҳатчиси

Қашқадарёдаги «Кўкдумалок-газ» Ўзбекистон—Швейцария кўшма корхонаси бош пудратчилигида Бухоро вилояти ҳудудида жойлашган Газли конида сикув-компрессор станцияси барпо этилди.

Янги газ компрессор станцияси

Техник иқтисодий асосланиши «ЎзЛТИнефтваз» лойиҳалаш институти мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган мазкур лойиҳа қисқа вақтда ҳаётга татбиқ этилиб, фойдаланишга топширилди.

Иншоотда ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг қиймати 94,5 миллион доллардан ортиқ бўлиб, янги технологиялар кўшма корхонанинг хориждаги таъсисчиси «Zeromax GmbH» компаниясидан келтирилган.

Компрессор станцияси тўлиқ ишга тушгач, бир кеча-кундузда 26 миллион кубометр газ ҳайдаш имконини беради.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Саховатдан қалблар чароғон

Сурхондарё вилоятида касаба уюшма аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 1773 та кам таъминланган, кўп болали оилалар, ногирон, байналмилалчи жангчилар, иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари ҳамда меҳнат фахрийларига бепул тиббий хизмат кўрсатилди. «Сурхон озиқ-овқатсаноати» хиссадорлик жамияти, Узун туман марказий шифохонаси, Кумкўрган агросаноат касб-хунар коллежи касаба уюшма бошланғич ташкилотлари, таълим ва фан ходимлари касаба уюшма вилоят кенгаши томонидан 44,7 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

— Вилоятда 650 нафар ишловчи аёлларга туғишгача ва туғишдан кейин ҳақ тўланадиган таътиллари кунли узайтирилди. Бу тадбирларимиз учун 65,4 млн. сўм маблағ сарфладик. Шунингдек, кўп болали 1064 нафар аёлга ойлик маоши сақланган ҳолда иш ҳафтасини бир соат қисқартиришга эришилди. Фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшгача тўлгунча қадар бўлган 1537 нафар оналарга касаба уюшмалари ҳисобидан 37,6 млн. сўм моддий ёрдам кўрсатдик, — дейди Сурхондарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Абдукарим Ахмедов.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ishonch» мухбири

Тошлоқ тумани Яқкатут қишлоғида 820 ўқувчига мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий касб-хунар коллежи ўз фаолиятини бошлади.

Қишлоқда янги коллеж

2 миллиард сўмдан ортиқ маблағ эвазига Марғилон шаҳридаги 6-кўчма механизациялашган колонна масъулияти чекланган жамият қурувчилари томонидан қад ростлаган янги коллежда ошхона, кутубхона, спорт зали, замонавий ўқув қуроллари билан жиҳозланган кимё, биология, математика, физика ва компьютер хоналари ўқувчилар хизматида. Ҳозир илм масканида 420 нафар йигит-қиз ҳисобчи, ҳисоблаш машиналари оператори, бошланғич синф ўқитувчиси, мактабгача таълим ва оила тарбиячиси, бошланғич синфларда жисмоний тарбия ўқитувчиси каби 5 та мутахассислик бўйича таҳсил олишяпти. Бўлажак мутахассислар 50 нафардан ортиқ тажрибали ўқитувчи-мураббийлардан таълим олишяпти.

Бу билан туманда коллежлар сони 5 тага етди.

Муҳаммадjon МАҲМУДОВ,
Марғилон шаҳри

«Инсонга наф келтириш — олий бахт» танловига

Дунёда нур ва зулмат бор. Баъзан нурга етишиш учун зулматли кунларни ирода кучи билан енгиб ўтишга тўғри келади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач, биринчи даражали «Соғлом авлод учун» ордени соҳибаси, тиббиёт фанлари доктори, профессор Наимахоним Махмудова бир умр илмга, зиёга интилиб, бахтга, саодат манзилига етиб келган табаррук онахонлардан.

Хайрат

Узоқ йиллар республика касабани уюшмалари тизимида раҳбарлик қилган, эзгу ишлари билан оммавий ташкилот нуфузини оширган, бутун фаолияти давомида ўзидан муносиб ном қолдира олган, минглаб шогирдларга илм эшикларини очиб берган, оддий санитаркаликдан фан доктори, профессор даражасига кўтарилган, кутлуг 80 ёшида ҳам халқ саломатлигига камарбаста бўлаётган ул зотнинг умр йўлларига назар ташлар эканмиз, семимли шоиримиз Фафур Фуломнинг ўлмас сатрлари ёдга келади:

*Тақдирни кўл билан яратур инсон,
Ғойибдан келажак бахт бир афсона.*

Ҳа, инсон умри йиллар билан эмас, балки элга келтирилган наф, эзгу ишлари, шогирдлар, фарзандлар камоли билан эътироф этилади.

Наимахонимни кутлуг ёши билан муборакбод этиш учун ўтказилган тадбирда Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерацияси кенгаши мутасаддилари, яқин дўст-биродарлар, шогирдлар устознинг эзгу ишларини қайта-қайта ёдга олдилар. Унинг саъй-ҳаракати билан барпо этилган сийхатгоҳлар элга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидладилар. Аммо барчани хайратга солган нарса бошқа эди. Бунга Наимахонимнинг нуруний ёшда ҳам ёшларга хос тетиклиги, юз-кўзларидан уфуриб турган ғайрат-шижоат сабаб бўлди. Айниқса, уни кўпдан бери кўрмаганлар кўзларига ишонимасди. Негаки, улар тадбирга боришаётганда хаёлларида мункиллаб қолган, невараси ёки фарзанди кўлидан ушлаб турган онахонни тасаввур қилишган эди-да.

Зулматдаги зиё

Наимахонимнинг оғир синовлар ичида ўтган ёшлиги ўзи бир тарих. У Мустақилликнинг нақада буюк неъмат эканлиги, бу йўлда ноҳақ тўқилган қонлар, бевақт йўқотилган жонлар, очилмай қазон бўлган умрлар ҳақида ҳикоя қилади гўё. Унинг хотираларини шунчаки эшитиб бўлмайди.

Аслида у 26 ёшида «аксил-килобчи» ва «миллатчи» сифатида қатагон қилинган оташин шоир ва жамоат арбоби Боту (Махмуд Ҳодиев)нинг қизи эди. «Халқ душмани» тамғаси билан унинг падари бузруквори 1930 йилда қамоққа ҳукм этилганда, у эндигина атак-чечак қилаётган икки ёшли қизалоқ эди. Қатагон даврининг жабр-зулмлари отасига кўшиб, ундан болалик қувончларини ҳам олиб кетди. Тили чиқиб улгурмасданок, бўйнига «халқ душманнинг қизи» деган тавкилянат осилди. Отасининг яқин қариндошлари, ҳамфикр дўстлари қатори онаси Валентина Васильева ҳам қамоққа олинди.

— Отам қамалганини эслай олмайман,— дейди Наимахоним.— Аммо унинг ҳар бир мактуби, ундаги менга ва акамга атаб ёзилган сатрлар хотирамга нурдек муҳрланиб қолган. Раҳматли отам ҳар мактубида акам Эркили ва менга «Ватан учун, халқ учун хизмат қилинганлар, яхши ўқинганлар» деб қайта-қайта ўқитардилар. Тўхта бувимнинг айтишларича, 1936 йилда отамни кўриш учун борганларида у қамоқхонада иккита гул ўстиргани, уларнинг бўйини ҳар куни ўлчаб, севиб

парваришлаётганини айтиб, бу гулларнинг бири қизим Наимахон бўлса, иккинчиси ўғлим Эркилидир, деган эканлар. Қаранг-а, отам гулнинг ўсишига қараб биз фарзандларнинг улғаяётганимизни ҳис қилиб яшаганлар. Яна «фарзандларим ҳаммиша ёнимда, улар менинг қалбимда, юрагимда» деб такрорлашдан чарчамас эканлар. Биз ҳам ҳар қанча қийинчилиikka учрамайлик, ҳаммиша отамизни фахр билан қалбимиз тўрида асрадик, ул зотга муносиб фарзанд бўлишга ҳаракат қилдик. Имконсиз даврдан имкон ахтардик.

Онахон ўша кунларни эслаганларида кўзларида ёш ҳалқаланади:

— Ўз юртимизда ўзимизни хўрлашарди, оддий инсоний ҳуқуқларимизни ҳам поймол этишарди. Уруш бошланган йили онамни қамоққа олиш-

йўл йўқ эди. Ахир «халқ душманнинг фарзанди» озгина бўлса-да сиёсатга алоқадор соҳада қандай ўқисин. Ҳатто тиббиёт институтини имтиёзли тугатса-да, «халқ душманнинг қизи аспирантурада ўқийдими» деган ҳадик билан бунга йўл қўйишмади. Аммо у ҳаётдан нолимади, камситилишларга парво қилмади. Фақат маҳоратини ошириш сари интилди. Наинки, ўша давр учун унинг билими жуда зарур эди. Чекка қишлоқларда кадрлар етишмасди. Шу боис уни Хоразм вилоятининг Хива туманига ишга юборишди. Айнан шу пайтда онаси қамоқдан озод этилган, негадир ўз уйига рўйхатдан ўтказишмаётган эди. Наимахоним онасини ҳам бирга олиб кетди. Она-бола бўйра тўшалган палосда, афтодаҳол бир уйда яшасалар

қилди. 14 ёшгача бўлган ногирон болалар даволанаётган бу шифохона вафотидан сўнг унинг номи билан аталди.

Эзгуликка йўл

Наимахоним Ургут туманида мутахассис кам бўлгани боис акушер-гинеколог, терапевт, педиатр бўлиб ишлади. Бир вақтнинг ўзиде илмий тадқиқот ишларини ҳам олиб бориб, вилоят конференцияларида чиқишлар қилди. У турли ташкилий ишларда ҳам фаол қатнашди. Маълум фурсат ўтгач, туман санитария-эпидемиология станциясига бош врач вазифасига тайинланди. Ўша даврда авж олган юқумли касалликларнинг аҳоли орасида камайишига эришди. Уни вилоят санитария-эпидемиология станциясига бош шифокор этиб кўтаришди. Бу орада отаси окланди. Ишдаги фаоллиги тилга тушди. У полимиелит касаллигининг тарқалиш сабаблари ва профилактикаси билан қизиқиб қолди. Бу бедаво дарддан халос бўлиш йўллари устида узоқ бош қотирди, даво тоғди, касалликка қарши ёппасига эмлаш ишлари ташкилотчиси бўлди. Меҳнатлари нуфузли давраларда эътироф этилди, унга ҳурмат олиб кел-

«Ботаника» каби санаторийларнинг куриб, фойдаланишга топширилишида унинг алоҳида ўрни бор. Шунингдек, Бухорони баҳаво ва сўлим гўшасида жойлашган «Моҳи Хосса» санаторийси тубдан қайта таъмирланди. Муҳташам «Чорсу» ва «Саёҳат» меҳмонхоналари ҳам ўша даврда касабани уюшмалари маблагидан барпо этилди. Унинг ташаббуси билан хотин-қизлар меҳнатини муҳофаза қилишга катта эътибор қаратилди. Ўзбекистон касабани уюшмалари ва меҳнатни муҳофаза қилиш илмий текшириш институти билан ҳамкорликда аёлларнинг меҳнат шароитларини ўрганиш бўйича лаборатория ташкил қилинди.

Рухий қувват

Наимахоним бугун ҳам бутун куч-қуввати, билимини юрак кўрига кўшиб Тошкент Педиатрия Тиббиёт институти талабалари қаторида ўзи ташкил қилган сийхатгоҳда даволанаётган болаларга улашяпти. Ҳамон сафларни тўлдириб ёш мутахассисларга ибрат бўлаётир.

— Ҳаётда орттирган энг катта бойлигим — одамлар ишончи, илм-маърифат, фарзандларим ва шогирдларим меҳр-муҳаббати. Бахтим эса юртимнинг озодлигини кўрганам, отам орзу қилиб етолмаган истиқлолдан баҳраманд бўлаётганимдир. Негаки, мустақиллик туфайли минглаб ватанпарварлар қатори отамнинг ҳам руҳи шод бўлди. Ҳар кун тонгни қаршиларканман, уйимиз тўрида турган азиз отажонимнинг сиймосига кўзим тушади. У киши «бугун қандай хайрли иш қилсан, қизим?» деб сўраётгандек бўлади. Бу даъват кун бўйи менга руҳий қувват беради. Шунда беихтиёр «Мустақилликнинг шукуҳли кунлариде отам учун ҳам яшашим, истиқлолга хизмат қилишим керак» деб ўйлаб қоламан. Ана шундай улуг ниятни кўнглимга тугиб яшаганим учун ўзимни катта ишларга масъул сезаман. Зиммамдаги масъулият эса шиддат билан ишлашга ундайди, — дейди Н. Махмудова.

«Ёшларга

ҳавасим келади...»

Наимахоним бу гапни айтганида ҳар гал кўзлари чакнаб кетади.

— Ёшлар кучли, номдор, танлаган йўлидан қайтмайдиغان иродали одамларга ҳавас қилишади. Шунинг учун ҳар биримиз чин маънода фидокорлик намунасини кўрсатадиган, ўрнатиб, устоз деса арзийдиган ўз соҳамизнинг билимдони бўлишимиз зарур, — дейди Наимахоним ҳар гал учрашиб қолганимизда. — Давр биздан шунга талаб қилаяпти.

Йилимизнинг «Ёшлар йили» деб эълон қилинишидан Наимахоним ниҳоятда хурсанд.

— Ёшлар — халқнинг умид юлдузлари, — дейди у, — Юртимиз ёшларига тилагим: илмингиз, салоҳиятингизга бутун дунё ёшлари ҳавас қилсин. Шунда истиқлолни орзу қилиб ўтганларнинг руҳларини шод этиб, бу саодатли кунларни қадрлаган бўласиз.

Оловқалб шоир Боту бир пайтлар шундай орзу қилганди:

Сира толмас қанотларим бўлсайди...

Дунёмига зулм, ваҳшат, бузуқлик

Сочатурган манбаларни бузардим.

Чин эркинлик, чин саодат, чин роҳат

Ёгдуларин дунёмига сочардим.

Шоир отанинг армонлари унинг қизи Наимахоним тимсолида ушалди.

Она юртимизнинг Наимахонимдек оқила, фозила, кайвони онахонлари бор экан, илло, ёшларимиз Ўзбекистон номини шарафларга буркаши шубҳасиз.

Амина ҚОДИРОВА



«Тақдирни кўл билан яратур инсон...»

ди. Сал фурсат ўтмай акам ва амакимни олиб кетишди. Оиламиз билан барчамизни сургун қилиш буюрилган экан. Навбат менга етганда 13 ёшли қизалоқ эдим. Бу хабарни эшитиб, бир кечада бобомнинг қадди эгилди. Тоғдек ўғиллари, навқирон невараси, гулдек келини қамалганда ҳам йиғламаган эди. Аммо буй етай деб қолган қизнинг Сибирга сургун қилинишига чидаб туролмади. «Шундай гўдақкинанинг умри увол бўлсинми?!» дея НКВД ходимларига йиғлаб ялингани ҳамон ёдимда. Ушанда бобомнинг кўзларидан оққан ёш менинг юрагимга томганди гўё. Мана орадан 67 йил ўтган бўлса-да, бу фожиали ҳолатни ҳануз унутолмайман. У хотирамга машъум йиллар рамзи сифатида муҳрланиб қолган. Ҳартугул НКВД ходими ўзбек, бунинг устига яхши аёл экан. Бувимнинг зорланишларига раҳми келди. «Қоғозда кўчирдик, деб ёзиб кўяман, кетаверинглар» дея бизга рухсат берди. Шундай яхши одамлар ҳам борлигига шукур қилиб уйга қайтиб келдик, аммо эшик тик этса, ҳадиксираб яшардик.

Наимахоним «халқ душмани»нинг қизи деган камситишларга қарамай, ўқиб-ўрганишдан, изланишдан чекинмади. Ҳеч ким у билан гаплашмас, тўғрироғи, яқинига келишга кўрқинарди. Ҳатто муаллимлар беш баҳо қўйишга ҳайқарди. Аммо мақсади йўлида дадил одимлаган қиз ҳеч бирга эътибор бермади. Илм олишга астойдил интилди.

— Мен нима учун айнан медицина фанини танладим, — дейди Наимахоним. — Чунки бошқа бирор олий ўқув юртига кириб таҳсил олишим учун

ҳам, бирга эканликларидан, муҳими, ҳеч ким таъқиб этмаётганидан хурсанд эдилар. Наимахоним бор меҳрини ишга, унга умид кўзларини тикиб турган беморлар саломатлигини яхшилашга бахш этди. Ҳалол меҳнати, одоби ва ўз касбига садоқати билан эл назарига тушди. Самарали фаолияти нуфузли йиғинларда эътироф этила бошланди.

Асил гавҳар ерда қолмас

Асил ҳақиқат — шу: ҳар қандай даврда ҳам бебаҳо гавҳар эгасиз қолмаган. Наимахоним ҳам асил гавҳар монанд чиройли ва гўзал ахлоқли қиз эди. Чиройлигина доктор қизни сўраб келувчи совчилар кўпайди, аммо «халқ душмани»нинг қизи эканлигини билгач, дом-дараксиз кетишарди. Аммо болалар уйида тарбияланган ҳамкасби Умар Курбоннов бундай қилмади. Асил инсоннинг қадрини ҳаммадан олдин билди ва ҳеч иккиланмасдан тақдирини Наимахоним билан боғлади. Таомилга кўра ёшлар Умар ака яшаётган Ургут туманига кўчиб ўтишди. Кетмакет туғилган икки фарзанд оила бахтини янада тўқис қилди. Ишлари ҳам юришиб кетди. Улар ҳаммиша бир-бирларини қўллаб-қувватлашар, эзгу ишларда бири иккинчисини тўлдириб борарди. Хизмат кўрсатган шифокор, тиббиёт фанлари номзоди Умар Курбонновнинг саъй-ҳаракати билан Республика ихтисослашган асаб касалликлари шифохонаси ташкил этилди. Умрининг охиригача бу фидойи инсон уни ривожлантириш учун самарали меҳнат

ди. Лавозими ҳар қанча ошмасин, у камтар ва камсуқумлигича қолди. Изланишдан, ўқиб-ўрганишдан, илмдан чекинмади. Фан доктори, профессор бўлди, ҳатто Республика соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари, Ўзбекистон касабани уюшмалари етакчиси даражасига кўтарилди. Изланишлари самараси ўлароқ кўплаб монографиялар, ўндан ортиқ ўқув усулбий қўлланма ва 200 дан ортиқ илмий мақолалар муаллифи бўлди. Унинг бевосита раҳбарлигида ўнлаб шогирдлари докторлик ҳамда номзодлик ишини ёқлашди. Шифокорлик ва олималик, ташкилотчилик ва раҳбарлик, оналик ва бекалик Наимахоним умрининг зийнатига айланди. Фарзанду неваралари қанот бўлиб, бугун унинг эзгу ишларини давом эттиришмоқда.

«Касаба уюшмаси — чиниқиш мактаби...»

— Ҳаётимнинг энг гўзал онлари касабани уюшмаси билан чамбарчас боғланиб кетган, — дейди Н. Махмудова фахр билан. — Ўн беш йил ушбу тизимда ишладим. 9 йил Республика касабани уюшмалари раиси бўлдим.

Ҳа, даврининг шиддатли тўлқинлари уни эл манфаати йўлидаги эзгу ишлардан чалғитолмади. У меҳнаткаш, содда ва самимий, шу билан бирга мард ва ориятли халқнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, саломатлиги, оиласи, фарзандлари ҳақида ғамхўрлик қилишни ўзининг олий бурчи деб билди. Кўплаб санаторий ва соғломлаштириш масканларининг барпо этилишида бош-қош бўлди. Жумладан «Чортоқ», «Чимён»,



Баҳорнинг илк кунларида Карим бобомнинг якка-ю ёлғиз иниси Раҳимберди мерганнинг фарзандларини кўргани Қирғизистоннинг Арслонбоб қишлоғига бордим. Кариндошларим меҳмон баҳонасида кечкурун кўшниларини чақиришди. Дастурхон атрофида гурунглашарканмиз, ҳозиргача жим ўтирган микти чол тоғамни ёдга олди:

— Раҳимберди мерган дунёга бир келди-ю кетдида. Осмондаги қушни киприк қоқмасдан урарди азамат. Мўлжаллаб ўтирмасди. Биз деярли тенгдош эдик. Фронтдаям мерганлиги кўл келди. Снайперчи бўлди. Немисларнинг роса додини берди. Газеталарда у ҳақда кўп ёзишган...

Тоғам новча, гавдали, қоп-қора жингалак соқолли киши эди. Бошидаги чўғирма телпагини, эгнидаги жигарранг пўстинини, оғзини тўлдириб қирғизча гапирётганини кўрган одам уни ўзбек деб ўйла-масди. Утган асрнинг йигирманчи йиллари охиридаги колхозлашти-ришнинг ур-йиқитлари чоғи «қулоқ» тамғаси ёпиштирилган отаси билан сийсадан узоқ тоғ қишлоғига қоч-ган. Ўша ерда бола-чақа орттирди. Аммо сўнги кунларигача киндик қони тўкилган Наманганнинг Сир-дарё соҳилидаги Кемабоши қишло-ғига қайтиш илинжида яшади.

— Бирон ўнгирда ёввойи тўнғиз, қашқир ёки қоплон пайдо бўлиб тинчимизни бузса, дарров Раҳим-берди мерган эсимизга келарди, — давом этди тоғамнинг қадрдони. — Мерган бунақаларни тинчитмагун-ча қўймасди.

Овчилик мавзуидаги ҳангома қизиди. Даврадагилар тагин тоғам-ни хотирлашди.

— Ўзиям юраги отнинг калласи-дек эди, — ўтирганлар эътиборини тортди ҳалиги оқсоқол. — Биз урушдан кейин ўрмон хўжалигида ишлаб ёнма-ён овчилик қилдик. Бир сафар тоғдан тушсам, хотини

Раҳимберди мерганлар яна туғилармикин?

Бузахро бизникида ўтирибди. Мерганнинг уч кундирки дараги йўқли-гини айтиб йиғлади. Белимни қай-тадан боғладим. Камаримга патрон-тошни осиб қишлоқдан чиқаётган-нимда ёнғоқзор оралаб тоғ ёнба-ридан тушаётган ошнамни кўрдим. Юз-кўзи мушук тимдалагандек, кий-имлари титилган, ранги бир ҳолат-да. Елкасида дарахт новдалари би-лан боғланган юк. Менга қараб ҳеч нарса бўлмагандек тиржайди. Шун-дагина овчининг бошига қандай кун тушганини пайқадим. Мерган май-моқ полвонга дуч келганди. Таф-силотини кейинроқ ўзи сўзлаб бер-ди.

...Тоғамнинг қўшни Тумор қишло-ғида яшовчи таниши бозорда учраш-ганларида шундай илтимос қилибди:

— Таърифингни кўп эшитганмиз, полвон, сенга ишимиз тушиб қолди. Қора чўққидан қишлоғимизга айиқ келаяпти. Кутурган шекилли, биров-дан ҳайқимайди. Кечалари бўкириб қишлоқ оралайди, экинларимизни пайхон қилаяпти. Итларимизнинг ярмини ёриб кетди. Холмирза чўлоқнинг буқаси ҳам айиқнинг қур-бони бўлди. Қўшалоқ кўчқор дей-санми, буқа дейсанми, оғзингдан чиққанини оласан. Фақат йиртқи-чи тинчитиб берсанг бас.

Ўшанда тоғамнинг фронтдан қай-ганига икки йил бўлган, айна нав-қирон пайти экан. Бозордан кели-боқ белига икки дона зогорани ту-гибди. Хотинига ҳам оғиз очмабди-да, милтигини елкасига осиб, Қора чўққи томон йўлга тушибди. Тоғам Тумор чегарасидан ўтганида қош қорайган, кечиккан қушлар инлари-ни ахтариб чирқиллашарди. Мер-ганни қўшни қишлоқликлардан ҳеч ким пайқамабди ҳам. Тоғ йўлаги бошланишидаги ёлғиз қаққайган ташландиқ иморат томига чиқиб ўрнашибди. Илтимос қилган тани-шининг уқтиришича, айиқ қишлоққа шу ёқдан йўл соларди.

Борлиқни зулмат қоплабди. Тоғ ортидан ёпирилган булутлар тўдаси зулматни баттар қуюқлаштирибди.

ди, ҳар қандай жонзотнинг тилка-порасини чиқаради.

Тоғам шумтол оралаб қанча чоп-ганини билмайди. Қандайдир қат-тароқ дарахтга осилиб тепасига чи-қиб олибди. Унинг эгри шоҳига мингач, милтиқни янгидан ўқлабди.

Йиртқиш бошқа кўринмабди. То-ғам биринчи ўқ бекор кетмаганини биларди. Тонг ёришишини кутиб-ди. Тўрғай чулдираши билан дарах-тдан тушиб ваҳший билан тўқнаш-ган кечаги жойга қараб юрибди. Адашмаган экан. Айиққа ўқ теккан жойдаги ўт-ўланлар топталган, қон халқоби кўзга ташланарди. Бора-бора у камайиб ингичка ипдек чўзилганча тоққа қараб давом эт-ган. Ўнгулар орасидан ўтиб, уй-дек харсанг осилган гор остонаси-га бориб йўқолганди.

Демак, айиқнинг ини шу ерда. Тоғам милтигини маҳкам тутганча ўнгу-рдан анча берида, тош-лар панасида маймоқ-нинг чиқишини кутибди. Ҳамма нарсанинг чеки бор, полвон уйқуни ен-гар, лекин нафси тинч-лик бермаслиги аниқ. Шу фикрларни хаёлидан ўтказаятганида гор оғзи-даги тошлар шитирлаб-ди, йиртқичнинг хумдек

ҳайбатли калласи кўринибди. Қорни очқанидан навбатдаги сафарга от-ланаётган чоғи.

Айиқ ўнгурдан ўтиб харсанг те-пасида тўхтабди ва теваракка ола-зarak боқаётганида кеча тундаги сингари қаттиқ гумбурлаш тоғ-тош-ни титратади. Иккинчи ўқ ваҳший-ни ўқиршига ҳам қўймасдан пастга қулатади...

— Айиқ терисини орқалаган Раҳим-берди мерганни кўргани ўшанда бу-тун қишлоқ келганди, — деди оқсоқол ҳикоясини якунларкан. — Унамаганига қарамасдан туморликлар битта кўчқор ташлаб кетишган. Ахир қонхўр айиқ билан яккама-якка олишишга ҳар қан-дай овчининг юраги тоб бермасди-да!

Эртасига Арслонбоб қишлоғидан қайтарканман, қирғиз оқсоқолнинг оқшомда айтган гаплари қулоқларим остида қайта жарангларди:

— Раҳимберди мерган сингарилар яна туғилармикин?!

Менимча, бу армонли гапларда жон бор. Туркистонда паҳлавон бо-боларимизга хос мерганлик фази-латларини тарбиялашни кучайти-риш керак.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
Ўзбекистон ёзувчилар
уюммаси аъзоси

Қилмишидан пушаймон бўлади

Совуқ ва кўримсиз жо-нивор — илонни энг омадли йиртқиш деса бўлади. Негаки, улар қуруқликда ҳам, дарахт ва сувда ҳам ўзларини бир-дек ҳис этишади. Айниқ-са саратонда серҳаракат бўлиб қолишади. Судра-либ юришгани учунми, улардан кутиладиган ха-тарни сезмаслик ҳам ҳеч гап эмас. Бир неча ой оч юриш ҳам уларга муаммо эмас.

Далилларга кўра, бу жонивор одамга ҳужум қилмайди, балки ҳимоя-ланиш учунгина захрини сочади. Аммо қасдлашиб қолса, мақсадига етмагун-

ча пайт пойлаб юраверади.

Ён қўшнимиз Асқар амаки бўш қолди дегунча овга чи-қар, кўп вақтини кўлвор илон тутиш билан ўтказарди. Таш-қи кўриниши чипор бу жо-ниворнинг гўшти бир қанча касалликларни даволашда ишлатилгани учун маҳалла-даги одамлар унга баъзан муурожаат қилиб туришарди.

Кунларнинг бирида Асқар амаки таниш сўқмоқ бўйлаб юқорига кўтариларкан, хар-санг атрофидаги буталар ора-сида эшилган арқон каби бир жуфт кўлворнинг типпа-тик турганига кўзи тушди. У жо-нини хатарга қўйиб кўлбола айри таёқчаси ёрдамида улардан бирини тутиб, хал-

тасига жойлади. Ови барори-дан келганидан суюниб уйи-га қайтаркан, ортидан эрга-шиб келаётган ҳалиги кўлвор-нинг жуфтини пайқамабди.


Бир кун чашгоҳда овчи-нинг ўғли пайкалда етилган бодрингларни узиб олаёт-ганда, кўлвор унга ҳамла қилди. Шукурки, ўз вақтида қишлоқ врачлик пунктига ет-казилиб, дори-дармон қўллангани боис болакай ти-рик қолди.

Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас кечаси сўрида ухлаб ётган қизалоғи уйғониб ке-тади ва жон талвасасида чин-қириб йиғлай бошлайди. Уни ҳам кўлвор чаққан эди.

Қасоскор жонивор бундан

кейин ҳам томорқадан ўлжасини тинчгина ку-затишда да-вом этаверди. Саратон кунлари-нинг бирида қаровсиз қолганидан фойдаланиб бе-шиқда ётган чақалоқнинг ус-тига чиқиб чамбарак бўлиб ётиб олади. Эмизикли бола-сининг бўғиқ йиғисини эшит-ган она ҳеч нарсдан хабар-сиз шошганча чақалоққа эн-гашган ҳамон илон чақмоқ тезлигида ҳаракатланиб, за-ҳарли тишини ишга солади.

Бундай нохуш воқеалар-дан сўнг оила бошлигининг кўнглига ғулғула тушиб, кўч-



кўро-нини ортиб, ҳеч кимни оғохлан-тирмай бир кечада кўчиб ке-тиши маҳалладагиларни ҳам ҳайрон қолдиради.

Мана, ўша воқеага ҳам олти ой бўлди. Қизиғи, оила тинч ва хотиржам яшаб келмоқда. Уларнинг ҳеч бири илонга рўпара келма-ди. Афтидан, кўлвор илон жуфти учун ўчинини олиб бўлганди.

Абдулла САИДОВ

Қадимги Ғаллаорол — сайёҳатлар ўлкаси

Ҳозирги Ғаллаорол тумани милоддан аввалги IX асрда таркиб топган Уструшона давлатининг гуллаб-яшнаган марказларидан ҳисобланган. Буюк ипак йўлида жойлашган бу ҳудудда бир пайтлар Александр Македонский кўшини Урта Осиёни босиб олиш учун «қудратли момоконлар қабиласи»га қарши қаттиқ жанглар олиб борган.

Тарихдан маълумки, буюк саркарда бир-бирига яқин бўлган 7 та шаҳар аҳолисининг қақшатқич зарбасига учраган. Афсуски, бу шаҳарлар айна кунда қаерда жойлашганлиги ҳозиргача номаълум. Бироқ улар бугунги Сирдарё ва унга қўшни Сўғд вилоятлари (Тожикистон) ҳудудида жойлашганига шубҳа йўқ. Археологлар, айниқса, Н.Неъматов ва А.Грицинанинг фараз қилишларича, улар Уструшона ҳукмдорларининг ёзги саройи ва қасрини пинҳона сақлаб ётган Аҳрортепа мажмуаси ва Ғаллаорол шаҳрининг атрофидаги 7 та кўрғон бўлса ажаб эмас.

Мазкур қаср ва кўрғонлар ерости йўллари билан бир-бирига боғланган. Улардан 3 таси айна кунгача аниқланди. Бири подшоҳнинг Аҳрортепа кўрғонидан Фортепага олиб борган, узунлиги 2 километр, Сангзор дарёсининг остидан 3 метр чуқурликда ўтган. Иккинчиси — Бугртепага қараб чўзилган ва унинг узунлиги 2 километрдан ортиқроқ. Афсуски, бу ерда ҳам жиддий илмий тадқиқотлар амалга оширилмаган. Бироқ қизиқарли илк топилмалар мавжуд: Сирбўйи сакларининг бронза қозони ва эра-миздан аввалги III асрга та-

аллуқли танга топилган.

Яқинда Авлиёота қишлоғидан ўтган ерости йўлининг янги йўлаги аниқланди. Ривоятга кўра, Сўфи Ваққос авлиё қишлоқни ўраб олган ёв лаш-

каридан халос бўлиш учун ана шу йўлакка кириб бекинган. Жангчилар ҳам ерости йўлида жонларини омон сақлаб қолишади. Бу воқеа VIII аср охирида юз берган. Ана шу ерости йўлидаги харобалар орасига авлиё отанинг хоки қўйилган, атрофда яшовчи аҳоли ул зотнинг қабрини зиёрат қилишади.

Олимларнинг тахминларига қараганда, Ғаллаорол ҳудудидаги барча кўрғонлар остидаги

ўзаро боғланган ерости йўллари тизими эра-миздан олдинги III асрда бунёд этилган. Аҳрортепа мажмуаси остида эса нафақат подшоҳ қасри, балки қадамга Харақана шаҳрининг қолдиқлари сақланиб қолган. Ҳозирги вақтда бу ерда ЎзФАнинг археология институти ходимлари қазил ишларини амалга оширишяпти.

Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, шаҳарнинг барпо этилиши милоддан аввалги V асрга тўғри келади. Маҳаллий бюджетдан ажратилган маблағ тарихнинг очилмаган қирраларини кашф этишда қўл келмоқда. Табиийки, юртимизга ташриф буюрган ҳар бир сайёҳ бундан 2300 йил бурун қурилган ерости йўлларида ўтишни истади. Афсуски, бу йўл ва йўлакларни таъмирлаш катта маблағни талаб этади. Мутасадди ташкилотлар эзгу ишда бош-қош бўлса, яқин келажакда Ғаллаоролдаги бу



тарихий ҳудуд сайёҳларнинг қадами узилмайдиган масканга айланиши шубҳасиз. Ушанда сайёҳлик маҳаллий бюджетни маблағ билан тўлдириш имконини беради ва шунинг ҳисобидан ерости йўллари, қолаверса, юқорида тилга олинган 7 та кўрғонни ҳам таъмирлаш имконияти яратилади.

Найман қишлоғидаги бутун бир кўрғонлар туркумини ўрганиш шуни кўрсатадики, бу обида қадамга Сирбўйи сакларининг тақвими бўлган. У тахминан 2500 йил аввал яратилган. Қуёш тақвимининг ижодкорлари унда бутун олам кенгликларини акс эттиришган. Дунёнинг тўрт қутби ва тўртбурчакли режалаштириш — бу қуёшнинг йўлдош сайёралари, юлдузларни англатади. Ҳаммаси бўлиб 365 та кичик дўнглик йилнинг неча кундан иборат эканлигини билдиради.

Кўрғонча-дўнгликлар танҳо бир катта дўнгликни ўраб турибди. Ўртадаги масофалар ҳисоб-китоб асосида аниқ белгилаб чиқилган. Ушбу ғаройиб топилма илмий муассасалар томонидан ўрганилиши лозим.

Сувлари Сангзор дарёсига келиб қўшилаётган Замбарбулоқ, Сўфибулоқ ва Омонбулоқ сойларининг қирғоқларидаги тик қояларда минглаб расмларни аждодларимиз ўйиб чизганига шубҳа йўқ. Уларда қуёш, сайёралар, ҳайвонлар, қадамга қўйчивон-у овчилар тасвирланган.

Тақалисой бўйидаги қоятошларга ўйилган тасвирлар кишини ўйлатади: тасвирлар аждодларимиз бизга қолдирган ибтидоий хатлар эмасмикин?

Бизнингча, бундай саволларга фақат олим-у мутахассислар тайинли жавоб беришади. Имкониятларимизни бирлаштирсак, юртимизда туризм ривожланган, қолаверса, Ғаллаорол йўналишида қанчадан-қанча юртдошларимиз иш билан таъминланган бўларди.

**Пиримкул
ДЎСТМАТОВ,
«Ishonch» муҳбири**

Кўшқўпир туманидаги Ших юртимизнинг қадамга, ўз урф-одат ва анъаналарига эга бўлган қишлоқларидан бири. Қишлоқнинг ўзига хос яна бир жиҳати борки, эҳтимол фазил, қандайдир завқли, шуқуҳли эканлигининг боиси ҳам шундандир: бу ерда истиқомат қилувчиларнинг аксарияти туркманлар. Улар ўзбеклар билан қондош-жондош бўлиб, бир оила фарзандларидек яшамоқдалар. Туркман фарзанди Қуммижон Валназаров деган уста пахтакор ҳақида суриштирганимизда, кўпчиликдан:

— Қуммижон оғани сўраяпсизми? Биринчи фермерлардан у, туркманми-ўзбекми билмаймиз, тўғрироғи, биз шундай деб ажратмаймиз, ўзимизнинг Қуммижон оғамиз-да у киши, — деган гапларни эшитдик.

Ших қишлоғининг обрўли инсонларидан бўлган Қуммижон Валназаров деярли 40 йилга яқин бригадирлик қилган. Ернинг паст-баландини билади, ҳаёт ўнқир-чўнқир-ю яхши-ёмонни кўп кўрган.

— Мустақиллик — улугъ неъмат деганлари тўғри, — дейди Қуммижон ота, — эркин замонда яшаймиз. Ишлайдиганга имкон яратилган, меҳнат қилган қадрланади. Шу қишлоқда биринчи бўлиб, тўғрироғи, туманда биринчилардан бўлиб фермер хўжалиги ташкил қилганман. Яхши ҳосил олиб,

уй-рўзгоримни бутладим, машина бўлдим. Менга ўхшаб шуқорона айтаётганлар қанчадан-қанча.

Ота билан узоқ суҳбатлашдик. Эрта-ю кеч тиним билмай ишлаганлари, буйруқбозлик замонда қийналган пайтлари ҳақида гапириб берди.

— Яқинда, яъни 28 август куни

қолаверса, ота ишини давом қилдириб, «Санжарбек» фермер хўжалигига бошчилик қилмоқда. Яна бир ўғли Отабой Ших қишлоғидаги минибанк мудирчи. Кумушой кизи 29-мактабда етакчи.

— Шу ватанда ўсиб-униб, ўрнимизни топдик, — дейди ота ва фарзандлари.

Қишлоқнинг яна бир фидойи,

Дўғоним деб эъзозлайдилар

бутун қишлоқ — камида 2500 киши Ших қабристонига зиёратга чиқдик. Бизларда ота-бобомиздан қолган бир удум бор: ҳосил йиғим-теримидан олдин қабрларни зиёрат қиламиз, ўзимизча ўтганлар руҳидан мадад олгандек бўламиз, — дейди ота. Қишлоқ фаоллари бизга бош-қош бўлиб, шароит яратиб бердилар. Дуои фотиҳа ўқиб, кўнглимиз таскин топиб қайтдик.

Отанинг кампири Қурбонбека Худойкулиева асли Туркменистоннинг Гурўғли этроф (туман)идан. Турмуш ўртоғига ҳамфикр, ҳамдам бўлиб, 9 фарзандни авайлаб ўстирди. Катта ўғли Бахтиёр ўқитувчи,

обрўли инсонларидан Қурбонбой ота Бобоевдир.

— У турмуш ўртоғи Холжон Матёкубова билан 7 фарзандни камил инсонлар қилиб тарбиялади, умр бўйи эл хизматини қилди. Машина рулини ушлаб кам бўлмади, — дея отани таърифлайди Шихобод маҳалласи котиби Раҳимжон Оташев.

Қурбонбой ота таърифлаганларича бор экан. Дилқаш, хушчақчақ инсон.

— Холжон онангиз Гурўғли туманидан. У ёқда қудалар, қариндош-дўғонлар бор, улар билан борди-келдиларимиз мустақкам. Хукуматга минг раҳмат, биз учун

шарт-шароит яратиб қўйибди. Хоҳлаганлар ойда бир марта визасиз ўтиб келадилар.

Холжон она эса Гурўғли туманидан келин бўлиб тушса-да, фарзандларининг киндик қони томган Ших қишлоғи ўзига жудааям азиз эканлигини, Ўзбекистонда яшаб кам бўлмаганларини, ҳеч ким улардан туркманмисиз, ўзбекмисиз деб сўрамаганлигини, балки дўғоним деб эъзозлашларини гапирди.

Фарзандларидан катта ўғли Бахтиёр 26-мактаб директори, Умидбек Хива «Пахтабанк»ида бухгалтер, Азимбўй эса туман ички ишлар бўлимида шахсий таркиб бўйича бошлиқ ўринбосари лавозимида ишлаб, эл-юрт қорига ярамоқдалар.

— Шу элга сингиб кетганмиз, бизнинг юртимиз шу азиз юрт, — дейди Қурбонбой ота Бобоев. — Бу ерда ишлаган ардоқланади, яхши инсонлар ҳамisha иззатда. Тўй-маъракаларда, худога шуқур, ўрнимиз бор.

Шихлик туркманлар яқинда истиклолнинг 17 йиллигини, ҳайитни муносиб нишонлаганларини, ҳар йили баҳорда сумалаклар пишириб, сайил уюштиришларини қувонч билан гапирдилар.

Ҳақиқатан ҳам шундай. Ших қишлоғи аҳли иқтисодийтимиз равнақи, юрт фаровонлигига фидойи меҳнатлари, эзгу фазилатлари билан ҳисса қўшмоқдалар.

**Меҳрибон ТИЛЛАЕВА,
журналист**

Интизомий жазо турлари ва уларни қўллаш тартиби

Корхоналарда интизомий жазоларнинг қўлланишига келсак, ушбу масала бевосита Меҳнат кодекси билан аниқ ва равшан тартибга солинади, шу тариқа ходимлар асоссиэ равишда интизомий жавобгарликка тортилмаслиги ҳуқуқий жиҳатдан қафолатланади.

МКнинг 181-моддасида меҳнат вазифаларини бузганлиги (бажарилмаганлиги) учун ходимга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган интизомий жазо чораларининг аниқ рўйхати белгиланган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- 1) хайфсан;
- 2) ўртача ойлик иш ҳақининг 30 фоизигача бўлган миқдорда жарима. Ички меҳнат тартиби қоидаларида ходимга ўртача ойлик иш ҳақининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима солиш ҳоллари ҳам назарда тутилиши мумкин;
- 3) МКнинг 100-моддаси иккинчи қисми 3- ва 4-бандларида назарда тутилган асосларга кўра меҳнат шартномасини бекор қилиш.



➤ Ходимга «қатъий хайфсан» эълон қилиш мумкинми?

Йўқ, мумкин эмас, чунки МКнинг 181-моддасида кўрсатилмаган интизомий жазо чораларини қўллаш таъқиқланади. Ўз-ўзидан юқорида санаб ўтилганлардан ташқари «қатъий хайфсан», «огоҳлантириш», «қатъий огоҳлантириш» сингари жазо чоралари ҳеч қандай юридик оқибатни келтириб чиқармайди, шундай буйруқ мавжуд бўлган тақдирда ҳам ходим интизомий жазога тортилмаган ҳисобланади.

МКнинг 182-моддасида интизомий жазоларни қўллашнинг аниқ, тартиби белгиланган бўлиб, у қуйидаги талабларни назарда тутати.

1. Ходимга нисбатан интизомий жазо чорасини фақат ушбу ходимни ишга қабул қилиш ҳуқуқи берилган мансабдор шахс (ёки орган) қўллаши мумкин.
2. Интизомий жазо қўлланишидан аввал ходимдан йўл қўйилган тартиб бузарлик ҳақида ёзма равишда тушунтириш хати талаб қилиниши лозим.

➤ Агар ходим тушунтириш хати ёзиб беришдан бош тортса-чи?

Бу уни жавобгарликдан озод қилмайди, яъни унга интизомий жазо қўллашга тўсиқ бўла олмайди. Иш берувчининг зиммасига бундай тушунтириш хатини олиш мажбуриятини юқлаш билан қонун биргина мақсадни — ходимга ўзини ҳимоя қилиш ҳуқуқидан фойдаланиш имкониятини беришни кўзлайди. Яъни ходимга қандай ҳолатда ва қанақа сабабларга кўра ушбу қилмишни содир этганини тушунтириб бериш имконияти берилмайди, негаки жазо тайинлашда фақат қилмишнинг оғирлиги эмас, балки уни содир этиш сабабларининг барчаси ҳисобга олинмиши керак. Агар ходимга бундай имконият берилмаса, бу келиб чиқадиган барча оқибатлари билан биргаликда унинг ҳуқуқларини бузиш деб таснифланади. Айнан шунинг учун амалиётда ходим тушунтириш хати ёзиб беришдан бош тортган ҳолатларда гувоҳлар иштирокида далолатнома тузилади.

➤ Тушунтириш хати ёзиб беришнинг талаб қилишга қим ҳақли ва у кимнинг номига ёзилади?

Тушунтириш хати ёзиб беришнинг талаб қилишга иш берувчи томонидан шундай ҳуқуқ берилган ҳар қандай мансабдор шахс (ходимнинг бевосита бошлиғи, кадрлар бўлими ходимлари ва б.) ҳақлидир, лекин у ҳар доим интизомий жазо чорасини қўллаш ҳуқуқи берилган мансабдор шахс номига ёзилади.

3. Ҳар бир ноҳўя хатти-ҳаракат учун фақат битта интизомий жазо қўлланиши мумкин. (МКнинг 182-моддаси тўртинчи қисми). Демак, ходимга биргина қилмиши учун ҳам хайфсан бериб ҳам жарима солиб ёки, масалан, у билан тузилган меҳнат шартномасини МКнинг 100-моддаси иккинчи қисмининг 3- ёки 4-бандлари бўйича бекор қилиб бўлмайди.

➤ Ҳар йилги тиббий кўрикдан ўтишдан бўйин товлаганлиги учун

ходимга интизомий жазо берилган дейлик. Аммо у шундан сўнг ҳам кўрикдан ўтишдан бош тортаяпти. Бундан чиқди у бўйин товлашда давом этганлиги учун жазоланмас экан-да?

Амалиётда бундай ноҳўя хатти-ҳаракат давомли қилмиш деб аталади. Ходимга интизомий жазо берилгани ва у бу ҳақдаги буйруқ билан танишганлигини имзо қўйиб тасдиқлаганидан кейин уни жазолаш жараёни тугайди. Шундан сўнг ходим янги қилмиш содир этишда давом этадими — аҳамияти йўқ, унинг ҳуқуққа зид хатти-ҳаракати ҳар қандай ҳолатда ҳам янги қилмиш ҳисобланади, бунинг учун у яна интизомий жавобгарликка тортилиши мумкин. Бунинг устига, билиб қўйиш керакки, бундай хатти-ҳаракатни иш берувчи ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузиши деб таснифлаши мумкин, бу эса унга ходим билан тузилган меҳнат шартномасини тўлиқ қонуний асосга кўра МКнинг 100-моддаси иккинчи қисми 3-банди бўйича бекор қилиш ҳуқуқини беради.

➤ Битта ноҳўя хатти-ҳаракат учун ходимга ҳам жарима солиб, ҳам муқофотдан маҳрум этиш мумкинми?

Юқорида тушунтириб ўтганимиздек, ходимни муқофотдан маҳрум қилиш интизомий жазо ҳисобланмайди, балки меҳнат интизомини бузувчиларга нисбатан қўлланиладиган қўшимча таъсир чораларидан биридир. Шунинг учун саволда кўрсатилган вариант бўлиши мумкин, фақат бир шарт билан, яъни Меҳнатга ҳақ тўлаш тўғрисидаги низомада, муқофот тўланаётган давр мобайнида, интизомий жазога тортилган ходимларни муқофотдан маҳрум қилиш ёки унинг миқдорини камайтириш кўзда тутилган бўлса.

Бундан интизомий жазоларни, меҳнат интизомини бузувчиларни интизомий жавобгарликка тортиш билан бир вақтда қўллаш мумкин бўлган қўшимча таъсир чоралари билан адаштириб қўймаслик керак деган хулоса келиб чиқади.

➤ Яна қандай қўшимча таъсир чоралари интизомий жазоларни қўллашга тўсиқ бўлмайди?

Агар ходимнинг ноҳўя хатти-ҳаракати натижасида иш берувчининг мол-мулкига зиён етказилган бўлса, ушбу зарарни ундириш (яъни, ушбу ходимнинг моддий жавобгарликка тортиш) ҳам унга интизомий жазо беришга тўсиқлик қилмайди.

Ходимга нисбатан маъмурий жазонинг қўлланиши ҳам интизомий жазо беришга тўсиқ бўлмайди. Масалан, йўл ҳаракати қоидаларини бузганлиги учун жамоат транспорти ҳайдовчисига йўл ҳаракати хавфсизлиги инспектори солган жарима; меҳнат ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун мансабдор шахсга меҳнат ҳуқуқ инспектори солган жарима ёки меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузганлиги учун меҳнат техник инспектори

солган жарима ва бошқалар.

➤ Ходимнинг ноҳўя хатти-ҳаракати учун жиноят иши кўзгатиш бўлса уни интизомий жавобгарликка тортиш мумкинми?

Меҳнат мажбуриятларини бузган ходимга нисбатан жиноят иши кўзгатишда, иш берувчи унинг тугашини кутмасликка ҳақлидир, негаки бу жараён таъсир чораларини қўллашга, жумладан тегишли асос бор бўлса, у билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга тўсиқ бўлмайди.

Масалан, навбатчи механик йўриқномани бузиб, линияга носоз машинани чиқарди, натижада кишининг ўлимига олиб келган авария содир бўлди. Механикка нисбатан жиноят иши кўзгатишди. Ушбу вазиятда иш берувчи тергов натижаларини кутмасдан туриб, механикни интизомий ва моддий жавобгарликка тортишга ҳақли, чунки унинг бузуқ машинани линияга чиқарганлиги айби тергов натижасисиз ҳам очиқ-ойдин кўриниб турибди.

Юз берган ҳодисада ходимнинг айби фақатгина тергов ёки суриштирув натижаси билан тасдиқланиши мумкин бўлган ҳолатлардагина иш юритиш тугатилишини кутиб туриш зарур.

4. Интизомий жазо ноҳўя хатти-ҳаракат аниқланган кундан бошлаб, ходимнинг касал ёки таътилда бўлган вақтинчи ҳисобга олмасдан, узоғи билан бир ой ичида қўлланиши мумкин. Билиб қўйиш керакки, ходимнинг бошқа сабаблар (прогул, хизмат сафари, жамоат вазифаларини бажариши ва б.)га кўра ишда бўлмаслиги мазкур муддатни тўхтатиб қўймайди.

Масалан, ходим 15 майда ноҳўя хатти-ҳаракатни содир этган, бу ҳақда эса 15 июндагина маълум бўлган. Бу ҳолатда унга интизомий жазони 14 июлдан бериш мумкин. Ходим (15 июндан бошлаб) вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик ёки таътилга чиққанлиги туфайли ишда бўлмаганда, бир ойлик муддат у ишда бўлмаган даврга мутаносиб равишда узайтирилади.

➤ Демак, ходим касал ёки таътилда бўлган вақтда уни интизомий жавобгарликка тортиш мумкин эмас экан-да?

МКнинг 100-моддаси иккинчи қисми 3- ва 4-бандларида кўрсатилган асослар бўйича жазо тариқасида ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишни ҳисобга олмаганда бу борада қонунда тўғридан-тўғри таъқиқ, кўзда тутилмаган. Ва бунинг устига суд амалиётида ушбу даврда ходимга берилган бошқа турдаги жазолар ҳам кўпинча қонуний деб топилади, чунки ходим ушбу вақтга кўра содир этган қилмишининг сабабларини тушунтириб бериши, жазо бериш ҳақидаги буйруқ билан ўз вақтида танишиш, унинг устидан шикоят қилиш имкониятига эга бўлмайди ва ҳоказо. Айнан ушбу ҳолатлар ҳисобга олиниб қонунда ходим касал ёки таътилда бўлган вақтда бир ойлик муддатни узайтириш назарда тутилган.

Ўзбекистон Конституциясининг 53-моддаси иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги, тенгҳуқуқлик ва мулкчиликнинг барча шакллари ҳуқуқий ҳимоялашни қафолатлайди. Сўнги йилларда мамлакатимизда бу борада мустақкам ҳуқуқий база яратилди. Шундай норматив ҳужжатлар қаторига Президентимизнинг 2007 йил 27 апрелдаги «Тадбиркорлик субъектларини ижтисодий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарорини ҳам киритиш мумкин.

Тадбиркорларга яна бир қулайлик

Мазкур қарорга кўра фаолиятини ижтисодий тугатаётган корхоналарга бир қанча имтиёзлар белгиланди. Чунончи, рўйхатдан ўтказувчи орган юридик шахснинг молия-ҳўжалик фаолиятини тўхтатади. Ижтисодий тугатилаётган юридик шахснинг мажбуриятларини бажаришга йўналтирилаётган маблағларидан солиқ олинмайди. Бироқ бу қарорга илова қилинган «Тадбиркорлик субъектларини ижтисодий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисида»ги Низомга кўра, банклар ва бошқа кредит ташкилотларини, суғурталовчилар ҳамда уларга тенглаштирилган корхоналарни, қонун ҳужжатларида назарда тутилган банкротлик белгиларига эга бўлган корхоналарни тугатишда қўлланилмайди.

Тугатувчи тайинлангандан кейин уч кун мобайнида корхонанинг бошқарув органлари унга корхона фаолияти билан боғлиқ барча ҳужжатларни, шунингдек, корхонанинг муҳри, штамплари ва бошқа мол-мулкни рўйхат бўйича топшириши шарт.

Корхона давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги давлат солиқ хизмати органи рўйхатдан ўтказган органдан маълумот олинган кундан бошлаб, уч иш кун мобайнида корхонанинг молия-ҳўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) солиқ инспекциясининг «Ҳўжалик юртувчи субъектларда ҳужжатли текширишларни ўтказиш» шўъбаси ходимлари томонидан амалга оширилиши ва бунда унинг муддати ўттиз календар кундан ошмаслиги лозим.

Туманимиз бўйича 2007 йилда «Тадбиркорлик субъектларини ижтисодий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарорга кўра 4 та корхонада тугатиш текшируви ўтказилган ҳамда улар давлат реестридан чиқарилган.

Жорий йилнинг 9 ойида 14 та корхонада ана шундай текшириш ўтказилиб, улардан 10 таси давлат реестридан чиқарилди. Қолган 4 та корхонада тугатиш жараёни давом этмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, давлатимиз раҳбарининг мазкур қарори тадбиркорлик субъектларига бир қатор қулайликлар яратиб, уларнинг ривожланиши учун имконият яратди.

Алишер ЕРГШЕВ,
Собир Раҳимов
тумани ДСИ
юридик шахсларга
солиқ солиш
шўъбаси бошлиғи

ОЗБЕКИСТОН

05:55 Кўрсатувлар дастури... 21:00 «Билим ва тафаккур»... 21:55 «Ички оқшомини»...

TOSHKENT

7:25 Кўрсатувлар тартиби... 8:30 «Эмомраҳман»... 8:55 «Анонс»...

TV-MARKAZ

07:00 Узебек наволари... 08:30 «Жасоига ухша»... 09:30 «Ташкент-2200»...

ТВ

06:00 «Сегизини уторм»... 08:50 «Летарей «Осло»»... 09:00 «Наше все!»...

ТВ-3

08:00 М/Ф «Мир Бобби»... 09:30 М/С «Черепашки-нин»... 10:00 М/С «Молчуне рейн»...

ТВ-3

08:00 М/Ф «Мир Бобби»... 09:30 М/С «Черепашки-нин»... 10:00 М/С «Молчуне рейн»...

ТВ-3

08:00 М/Ф «Мир Бобби»... 09:30 М/С «Черепашки-нин»... 10:00 М/С «Молчуне рейн»...

ТВ-3

21:50 Еврофутбол... 23:25 Париж-Ченесский экран... 23:30 «Тунингиз оғула»...

05:00 «09:05 Телеканал «Доб»... 09:00 «Новости +»... 09:25 «Мухомов»...

05:00 «09:05 Телеканал «Доб»... 09:00 «Новости +»... 09:25 «Мухомов»...

05:00 «09:05 Телеканал «Доб»... 09:00 «Новости +»... 09:25 «Мухомов»...

05:00 «09:05 Телеканал «Доб»... 09:00 «Новости +»... 09:25 «Мухомов»...

05:00 «09:05 Телеканал «Доб»... 09:00 «Новости +»... 09:25 «Мухомов»...

05:00 «09:05 Телеканал «Доб»... 09:00 «Новости +»... 09:25 «Мухомов»...

05:00 «09:05 Телеканал «Доб»... 09:00 «Новости +»... 09:25 «Мухомов»...

05:00 «09:05 Телеканал «Доб»... 09:00 «Новости +»... 09:25 «Мухомов»...

05:00 «09:05 Телеканал «Доб»... 09:00 «Новости +»... 09:25 «Мухомов»...

ОЗБЕКИСТОН

05:55 Кўрсатувлар дастури... 18:50 «ИЗЕК»... 19:00 «ДАВР»...

TOSHKENT

7:25 Кўрсатувлар тартиби... 8:30 «Эмомраҳман»... 8:55 «Анонс»...

TV-MARKAZ

07:00 Узебек наволари... 08:30 «Жасоига ухша»... 09:30 «Ташкент-2200»...

ТВ

06:00 «Сегизини уторм»... 08:50 «Летарей «Осло»»... 09:00 «Наше все!»...

ТВ-3

08:00 М/Ф «Мир Бобби»... 09:30 М/С «Черепашки-нин»... 10:00 М/С «Молчуне рейн»...

ТВ-3

08:00 М/Ф «Мир Бобби»... 09:30 М/С «Черепашки-нин»... 10:00 М/С «Молчуне рейн»...

ТВ-3

08:00 М/Ф «Мир Бобби»... 09:30 М/С «Черепашки-нин»... 10:00 М/С «Молчуне рейн»...

ТВ-3

18:50 «ИЗЕК»... 19:00 «ДАВР»... 19:30 «Самовий ишк»...

07:00 Узебек наволари... 08:30 «Жасоига ухша»... 09:30 «Ташкент-2200»...

05:00 «09:05 Телеканал «Доб»... 09:00 «Новости +»... 09:25 «Мухомов»...

05:00 «09:05 Телеканал «Доб»... 09:00 «Новости +»... 09:25 «Мухомов»...



Сайёҳлар Барагойга сал етмай тўхтадилар. Манзил ғоятда ғаройиб эди: йўл бўйлаб баландгина зич буталар билан ўралган текис ўтлоқ. Сайёҳлар ёруғда кўлга етиб олиш учун тонгда йўлга чиқиш мақсадида шу ерда тунамоқчи бўлишди. Кечки овқатдан сўнг идиш-товоклар йиғиштирилди, газчирик ўчирилди. Атроф зим-зиё, юлдузлар порлар эди. Буталардаги қушлар тинчиган, фақат ахён-ахёнда тушунарсиз шитирлашлар сокинликни бузарди. Буталар орасига тикилиб, яшил тусда ёнаётган кўзларни кўриш мумкин эди. Нима экан? Ўрмон мушугими? Чиябўрими? Эҳтимол сайёҳлар чодирга киргач, улардан қолган суякларни ғажишади. Балки бабуинлардир? Аммо нима учун доим шовқин-сурон солиб юрвчи қароқчи маймунлар жим? Тўсатдан... Тўсатдан тунги сокинликни шернинг бўкириши ларзага солди. Бу шунчалик кутилмаган, шу қадар дахшатли эдики, сайёҳларнинг йиғма стуллардан йиқилиб тушишларига сал қолди; юраклари музлаб, таққа тўхтагандай туюлди.

Улар эрталаб шимол томон юришда давом этдилар. Кения қирларининг саванна ва буталаридаги бой ҳайвонот оламини кўрган одам, ярим чўлдан бошланувчи чегара фаунаси ниҳоятда ранг-баранглигидан ҳам ҳайратга тушади. Бу ерда яшовчи ҳайвонлар ясси тоғларда кўп учрайвермайди. Ҳар бир бута остидан сакраб чиқаётганга ўхшаш дики-дики — энг жажжи охулар ўз жозибасини кўз-кўзлайди. Кўпинча жирафаники каби узун оёқли геренуки антилопалари орқа оёқларида туриб, ўртабўй одамнинг қўли етмайдиган бута учларини еяётганини кўриш мумкин. Бу ерларда жирафалар ҳам ўзига хос: мамлакатнинг марказий ва жанубий ҳудудларида учрайдиган тўр-тўр — ёрқин оч жигарранг калта жунли, терисига гўё ёш боланинг қатъиятсиз қўли оқ бўёқ билан квадрат, тўғри тўрт бурчак, ромблар чизиби ташлаган. Кичкина калла ва калтагина тўмтоқ шохли бу найновлар елимлаб ёпиштирилгандай узун киприклар орасидан машинага қизиқсиниб қарайди. Уларнинг сув ичишидан кулгилироқ томошани тасаввур қилиш қийин. Шундай узун бўйли жирафанинг дарёдан сув ичиши жуда осонга ўхшайди. Э, йўқ, орқадагисидан анча узун олдинги оёқлари халақит беради.

Ўтлар яшил ва қалин жойларда энг чиройли зебра тури — Греви зебриси ўтлайди. Улар кўлга ўрганувчи ягона турдир. Филларнинг энг йириги ҳам шу ерда яшайди. Улкан филларнинг шундай қурғоқчил ерда кунига юз килодан ортиқ яшил ўт ва сув топишига ҳайрон қолади одам.

Мана, Рудолф кўлига тугашувчи чўл яқинидаги аҳоли пункти — Барагой. Йигирмага яқин пахса уйли ягона тупроқ кўча, бир тўда яланғоч болалар, сават, қовоқ идиш кўтариб, уйла-

ри ортидаги дарёга кир ювишга кетаётган аёллар, савдо-сотик маскани.

Сайёҳлар қадим замонларда Ҳиндистондан келиб қолган дўкондор билан суҳбатлашдилар. Баҳс қизикарли мавзуда, яъни пул муомаласига нисбатан бевосита молни молга алмаштиришнинг афзаллиги ҳақида борди. Дўкондор Синх маҳаллий мижозларнинг кўпчилиги «мол-пул-мол» формуласига нисбатан «мол-мол» формуласини афзал кўришини таъкидлади. «Нима, улар сиёсий иқтисод билимдоними?». «Ҳазиллашаётган бўлсангиз керак, ахир, улар ёппасига саводсиз-ку. Шунчаки, ўз меҳнати маҳсулини керакли молга алмаштириш тушунарлироқ. Улар ҳеч қачон кўрмаган, президент сурати туширилган қоғоз ёки танганинг тақир яйловда боқиб ўстирган, бунинг устига, оч чиябўрилардан асраган эчкидан қимматроқ туриши мумкинлигини ақлларига сиғдирилмайди. Бир дақиқа, ўз кўзингиз билан

ёрқин бўялган тери қалқон билан қуролланганлар.

Кўп тил билувчи Жон тезда уларнинг жануброқда яшовчи қариндошларини кўриб қишлоққа қайтаётган самбуру қабиласидан эканини аниқлади. Икки жангчи эрга теккан ёш аёлни олис сафарга кузатиб борганини англаш мумкин эди. Улар нонуштадан қатъий воз кечишди, аммо эркаклар маза қилиб бир банкадан пивони ичиб олдилар. Улар чапроққа юриш кераклигини тушунтиришди, унча кўп вақт йўқотмаганларини айтиб юпатишди. Жон самбуру эркаклари билан кетди ва ярим соатдан кейин йўлни давом эт-

унда ўша ер ва атроф қишлоқларнинг барча аёл аҳолиси кир ювиш билан бандга ўхшарди. Жон чоллардан Рудолф кўлига борадиган йўлни эзмаланиб суриштирди. Ҳаммалари бир овоздан ягона йўл борлиги, сира адашиш мумкин эмаслигини таъкидлашди.

Сайёҳлар бир соат юрганларидан сўнг йўлга нимадир бўлди. У бутунлай кўздан йўқолди. Сайёҳлар унинг изини топиш учун тошдай қотган тупроқда эмаклағудай бўлиб юришар, из эса йўқ эди. Иссиқ тобора кучаяр, қуёш чидаб бўлмас даражада қиздирарди. Ҳеч нарса қилиш мумкин эмас, вақт бо-

япти», — таржима қилди Жон.

Сайёҳлардан иккитаси чақалоқни кўриш учун яқинроқ боришди. Одатда, африкалик болалар қора юзи, жингалак сочли боши, йирик тим қора кўзи, майин табассуми билан кишини ўзига тортади. Чақалоқ тишсиз, сўлакайли оғзини очиб кулар, ўроғлик оёқ ва кўлчаларини типирлатарди. Аммо кўзлари!.. Катта, нақ юзининг ярмини эгаллаган кўзларини пашшалар қоплаганди, сайёҳлар унинг мижжаларидаги зўрға сезиладиган оқ қўртчаларни кўриб титраб кетдилар. Улар пашша қўртлари эди.

Жон оила бошлиғига Рудолф кўлига кетишаётганини, лекин адашиб қолганларини тушунтирди ва йўлни кўрсатиб қўйишни сўради. «Аёллар туя сўқмоқларини яхши билишади, бошқа йўлларни топишлари қийин», — жавоб берди кўр одам. У хотинига алланима деди, аёл қизига етказди ва эр-хотин машинанинг олд ўриндигига ўтиришди.

— Уларга айт, бутагача юришсин, ҳалиги биз... ўзинг биласан-ку ўша бутани.

— Ҳа, кўрганман.

— Етдикми? Яхши. Энди айт, ўннга бурилиб, қирчумоли инига қараб юришсин, уни кўраяпсанми?

— Ҳа, кўраяпман. Яқингинада.

— Яхши. Энди чапга, қизил тош томонга.

— Тошнинг ёнидамиз.

— Бўпти, яхши, етиб келдик. Пастга тушиб йўлни кўрсат, у то кўлгача тошлар ораб боради, ёвуз кучлар адаштироқчи бўлса ҳам адашмайдилар.

Сайёҳлар машинадан тушдилар ва йўлни кўрдилар. Ҳақиқатан адашиш мумкин эмасди: йўлнинг икки четиде тошлар шундай қалашгандики, чапга ҳам, ўннга ҳам бурилиб бўлмас эди. Жон эрхотинни уйига элтиб қўйишни тақлиф қилди. Аммо эркак қатъий рад этди ва агар машинада тунашни истамасалар, шошилиш кераклиги ҳақида огоҳлантирди.

Сайёҳлар йўлга тушдилар, бироқ эр-хотин уйлари томон кетаркан, тўхтаб улар кўздан йўқолгунча кузатиб турдилар. Кўр эркак дадил қадам ташлар, хотини уни ушлаб олмаган, бироз орқада борарди.

— Бошқа кўрларга ўхшамайди! — хитоб қилди сайёҳлардан бири, — ҳассасиз юрибди-ку!

Чиндан ҳам эркак ўзини етакчига сира ҳожати йўқдай тутарди. Наҳотки, ҳамма ер ёд бўлиб кетган? Ёки учинчи кўзи бормикан?

— Шунақа ҳам яшаш мумкинми? — деди сайёҳлардан бири ўйчан.


— Бу билан нима демоқчисан? — сўради Жон.

— Э, ёлғизлик, ифлослик, пашшалар...

— Пашша одамлар билан ҳайвонлар ёнма-ён яшайдиган ҳамма жойда бор. Ёлғизликка келсак, сизларнинг улкан Европа шаҳарларингизда ёлғизлик кўпроқ. Менга кўр киши ва хотини жуда бахтлидай туюлди, — дея гапни якунлади Жон.

Ориф ФАРМОН тайёрлади

Ўз уйида бахтли инсон...



кўрадиганга ўхшайсиз».

Дўконга қора матога ўранган кекса самбуру аёли кирди, қўлтигидан эчки терисини олди, пештахтага ёйиб, меҳр билан силади ва сотувчига нимадир деди. «У жуда яхши, юмшоқ тери деяпти, эвазига икки халта ун ва бир қути қанд олмоқчи», — таржима қилди дўкондор. «Терининг нархи шунча, буни билади, аммо анчадан бери дўконга кирмаган, нарх эса ошган, мен унга бир халтача ун ва бир қути қанд, бир неча цент қайтим беришим мумкин». Сотувчи аёлга узоқ тушунтирди, охири у англади, қайтимни рад этиб келини учун мунчоқ сўради.

Барагойдан кейин мўлжалга кўра Соут Хоррагача арзиманг масофа қолганда тўсатдан айрилиш йўл чиқди. Айрилиш бўлмаслиги керак эди. Қаёқдан пайдо бўлди? Сайёҳлар ўннга бурилдилар. Бир соат юришди, икки соат... Адашиб қолишди. Бахтларини қарангки, учта африкалик учраб қолди; ёш аёл ва икки эркак. Аёл бамисоли Афродита эди, одатдагидан каттароқ туюлувчи, тасвирлаб бўлмас даражада оппоқ, текис, мустаҳкам тишларини намойиш этаётган майин табассум одамни сеҳрлаб кўярди. Узун бўйини мунчоқли безак яширган, оёқ ва кўллариде маъдан билагузуклар, яланғоч бадани фақат мохирона мунчоқ қадалган шапалокдан салгина кенг калта тери билан тўсилган. Новча, барваста эркакларнинг кийими бир елкасига ташланган калта тоғдан иборат; найза ва

тиришга тўла ишониб қайтди, бошқалар эса нонушани тугатдилар. Очиққўнғил самбурулар билан хайрлашарканлар, дастурхондан улбул олишни тақлиф қилдилар.

«Йўқ-йўқ, ҳеч нарса керак эмас».

«Балки қанд оларсизлар?», — деди Жон.

«Қанд олсак бўлар, болалар унга ўргана бошлади».

Аммо қандни қутиси билан тутқазганларида улар довидрадилар. Жон фаҳмлади ва қутидаги қандни уч қисмга бўлди. «Мана бу яхши», — хурсанд кулишди янги табишлар. Сайёҳлар гўзал аёлга бир неча танга ҳам тақлиф этдилар. У узун ва ингичка бармоқлари билан тангаларни сараларкан, энг арзон бронза тангани танлади ҳамда бўйнига тақинини кўрсатди. «Аммо кумуш тангалар анча қиммат, унга кўп тақинчоқлар сотиб олиш мумкин», — аёлга тушунтирди Жон.

«Балки шаҳарда шундай-дир, лекин биз тақинчоқларни ўзимиз ясаймиз, бу танга менга кўпроқ ёқди», — жавоб берди самбуру аёли.

«Олиб бориб кўяйликми?», — сўради Жон.

«Йўқ-йўқ, яқингинада яшаймиз», — қўл силташди улар. Жон қистамади, бироқ сайёҳлар самбуруларнинг хуш табассумлари кузатувида йўлга тушаркан, улар ҳали ўн милча юришларини фаҳмладилар.

Соут Хоррада, қуримайдиган охириг ирмоқдаги тиниқ сув тош супалар устидан шўх ўйноқлаб оқар эди,

рида қайтиб, эрталаб йўлбошловчи олиш маъқулроқ кўринарди.

Тўсатдан Жон тутун ҳидини сезди ва машинани ўша ёққа бурди. Тез орада тева-рагида новдалардан тўқилиб, гўнг аралаш лой билан сувалган иккита думалоқ кулба ҳамда эски омборча жой олган бом — тикан билан ўралган майдонча кўринди. Уртадаги ҳайвонлар қамаладиган думалоқ кўра эчки кийи ва туя тезагига тўлганди. Машина сигналини эшитиб кулбадан ўн икки ёшлардаги қизча, эмизикли бола кўтарган аёл ва қирқ ёшлардаги анча новча, кўзлари ғалати ҳолатда қотиб қолган эркак чиқди. Аёл сайёҳларнинг ҳар бирига навбат билан қараб, эркакка нималардир деганидан эркакнинг кўрлигини фаҳмладилар. Аёл ташриф буюрувчиларни тасвирлаб берди чамаси. Улар билан суҳбатлашган Жон бу оиланинг сук қабиласидан эканини тушунтирди. Эркак ўн йил аввал буткул кўришдан маҳрум бўлган экан. Шилпиқлик касали! Лекин у кучли ва чиройли, иккита хотини ҳамда еттита фарзанди бор экан. Катта хотини ва икки ўғли туяда сувга кетишибди, учинчи ўғли эчки боқаётган, икки қизи экинларга қараётган экан.

«Наҳотки, шу ерда бирор экин унса?!».

«Маниока ўсади, агар ёмғир бўлса, жўхори ва макка битаси», — жавоб берди хўжайин. Оиланинг бешта туяси ва қирқта эчкиси бор экан. «Хўжайин оиламиз тўкин яшайди де-

Китобингизни ўқидим

Ўткир Раҳмат

Давлат ифори



Инсон руҳини, шуурини нурли маъволар, номсиз маконлар сари етакловчи бир куч борки, унинг исми ХАЁЛДИР. У чексизликнинг-да чегараларини бир зумда ошиб ўтади. Ижодкорнинг хаёли кўпинча жаннатмонанд ерларда хушбўй наботот ичра кезингани учун унинг хаёлидан ифор таралса ажаб эмас. Яқиндагина Фафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа уйи томонидан шеърят ихлосмандларига такдим этилган китоб ҳам «Хаёл ифори» деб номланади. Ўткир Раҳмат каламига мансуб ушбу шеърый гулдастада ҳаётнинг турли лавҳалари акс этади. Шоир бир ўринда табиат синоатларида ҳикмат кўрса («Дарахт», «Гул»), бошқа бир ўринда ўз кўнгли билан дардлашиб туради («Кўнгил»). У нафақат кечинмаларини баён этади, балки ўзгаларнинг кечинмасини ҳам нозик илғайди:

Хаёт лавҳалари

Шукрона айтса ҳам дилидан ёниб, Ўткирнинг бордир армони. Невара бошини силар қувониб, Ташлаб кетгиси ҳеч келмас дунёни.

«Момо» шеърисида кексаларнинг ҳаёт нақадар ширинлиги ҳақидаги ўйлари акс этса, «Таскин»да хурлик ва эркнинг шукронаси жуда ажойиб шаклда ифодаланган:

Киприklar хўл бўлиб ичади қониб, Севинчга йўғрилган қайноқ кўзёшни.

Бошқа бир шеър («Савр»)даги ўйноқи мисралар эса сизнинг ҳам дилингизни китиклайди:

Гилос лабларида нурнинг тафти бор, Бўсадан қизарган гўё дудоклар. Шамолнинг кўксига минг битта ифор, Тортинмай бог ичра мени кучоклар.


Аммо шунга қарамай шоир ишқ йўлини узоқ ва машаққатли қилиб тасвирлайди. Бошқалардан фарқли ўлароқ лирик қаҳрамон қисқа вақтда «адо бўлиб» қолмайди. Балки йўлда тин олиб бўлса-да Маъшуқа томон интилаверади:

Лаҳзалик учрашув. Лаҳзалик нигоҳ. Ҳадемай мен йўлга тушаман яна.

Тириклик билан мангу видолашганларни

сўнги йўлга қузатаётиб, ботинда кечадиган жараён эса «Ҳолат»да ёрқин тасвирланган:

Соғинч қайда? Меҳр қайда? Сўрармикан Энди улар? Бунча оғир, Бунча ғамгин, Бу манзилнинг Хўрликлари...



Баъзи ўринларда эса бироз тасаввурга қовушмайдиган ўринлар учрайди. Масалан, «Таскин»да шундай сатрлар бор:

Нафаси қайтгудек титрайди тўфон, Тузата бошлайди ўзин кам-кўстлар.

Табиатдаги кучли офатлардан бири саналувчи тўфоннинг титраши бироз ғалати-роқдай. Одатда кам-кўстлар ҳам кимдир томонидан тузатилади.

Бу албатта, шоир ижодидаги ўзига хосликдан далолат. Масалан, «Игвогар» шеърисида унинг қадами етган жойда «тутларнинг пишмай тўкилиб кетиши, гулларнинг ўроқда ўрилиши...» каби ҳолатлар чин ва жимжимасиз қуолиб келган.

Умуман, Ўткир Раҳмат шеърларини ўқиганда ҳаётнинг турли лавҳалари кўз ўнгингиздан ўтаверади.

Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ

«Мен — ёшлиқман» танловига

Биларсан

Ишқинг тушиб бирор санамга, Чўғ боссалар сенинг тананга, Жисминг ўртаб ёнса аламага, Шоҳ Машрабнинг дардин биларсан.

Шерик бўлиб еяр ошинга, Гўр қазирлар сенинг лошинга, Қачон кулфат тушса бошинга, Инсонларнинг мардин биларсан.

Бепарвосан — қўлда бор тулинг, Бедарддирсан — очик ҳар тулинг, Бурда нонга зор ўтса кунинг, Мискинларнинг сабрин биларсан.

Йиллар қувиб йилларни аста, Утиб кетар умринг бир пасда, Сўнги нигоҳ, сўнги нафасда Бир лаҳзанинг қадрин биларсан.

Йиғлаб туғилгандим, йиғладим кўп бор, Гарчи йиғламоққа сабаб кўрмадим. Кулганимни кўрса йиғловчи бисёр, Йиғламасин дея улар, кулмадим. Йиғладим кулишга топмай баҳона, Йириклар кулсинлар, мен бир майдаман. Тупроққа кетсам гар йиғламанг, яна, Баҳорда гул бўлиб кулиб қайтаман.

Севолмайман

Нозинг қани, шўхлигинг қани? Йиғладингми, кўзларингда нам? Не қилардинг мендай телбани?! Севолмайман сени, эй санам.

Юрагимни ёритади тун, Бедор ўтсин тунларим, майли. Бўлсам ҳамки саҳрода тутқун, Севолмайман сени, эй Лайли.

Оташ йўқдир огушларимда, Хувиллайди кўксимда шамол. Сен бўлсанг ҳам кўнглим яримта, Севолмайман, эй соҳибжамол.

Сабр қилсам яна озгина, Дийдорлашгум, ёрим тоғларда. Севолмайман сени, қизгина, Менинг кўнглим қизгалдоқларда.

Руслан САБУРОВ,
Кармана тумани

— Хўш, акам кимга ёмонлик қилибди? Ҳеч кимга. Ҳа, ҳеч кимга. Демак, ичишга ҳаққи бор. Ичишга ҳаққи бор экан, демак бировни ҳайдашга ҳам ҳаққи бор.

Хотинлар оғизларини очганча эснайдилар. Ўртада дастурхон, учлари пала-партиш букланган, унда оқ қанддан тортиб, майизу новвогача тўлдирилган патнис қийшайиб ётарди. Алимурод фелдшернинг жияни ҳамда куёви Меҳриддин кўрпачага бамайлихотир ўтириб олган.

— Зухра, ўл-а, чойингнинг ранги ўчиб кетибди-ку.

Зухра келин ўрnidан туриб ташқарига қарайди. Қорни япалоқ самовар эрингандай буг чиқарар, суяк-устихонлар тўла катта тоғора қарши-сида Алимурод аканинг чўлоқ, жиккаккина ола кучуги Олапар чўкканди. Олапарнинг оёғи аслида бутун эди-ку-я. Бу йиғиндан бир ҳафта илгари қўшнинг хирсдай ўғли Қўзи туннинг қоқ ярми-

да бог ҳовлини кесиб ўтиб, кўлидаги болта билан уни чопиб ташлаган.

— Ҳа, майли, ҳайдабди. Ҳаққи бор бунга акамнинг, — Меҳриддин рангсиз, шама сузиб юрган чойни ароқ ютаётган одамдай афтини бужмайтирганча ичиб юборди. — Ахир ўйлаб кўринглар-а, ҳозир ҳайдамаса, қачон ҳайдайди? Соғ пайтида одам одам экан-

лик, умуман, одамнинг ишми? Ҳеч-да. Эзилиб кетди Қўзи шўрлик, бирор ишининг бошини тутолмаса, хотини ташлаб кетган бўлса нима қилсин, ит акиллаб турган бўлса, аламини шундан олса олгандир-да дейсизлар. Бекорга номарднинг биқанига ёғ пуркаманлар-э, — унинг энсаси қотиб, юзини тескари бурди.

Ражаб кампир рўмолини

ҲИММОЯ

ку, ҳатто мушукниям пишт дөөлмайти, ҳа. Қўзи нимага келди, ароққа. Ўйлайсизларки, шунча йўл босиб, шунча, икки йил хизмат қилиб келган уни бу ерга, ҳа. Сиз, Ражаб буви, ҳайдаш ўзбекнинг одати эмас дейяписиз. Хўш, ярим кечада пусиб, болта кўтариш, ўзбекни уёққа қўйиб турай-

тузатиб оғиз жуфтлади. Бироқ унга қарамай яна хотинларга юзланди.

— Нима деди акам ахир. Нега келдинг, деди. Болтанг қани, деди. Асли номард эдинг, бир марднинг ишини қил, деди, мени ҳамманинг олдида бир чопгин, деди. Акбар билан бўлса деди, мана, омон-эсон кўришдик, деди. Улимимга розиман, деди. У номард қийшанглаб тураверди. Кейин акам бол-

тасига қараганча сўкиб қолди. Кет бўлмасам, деди.

Хотинларнинг ҳаммаси бу воқеанинг гувоҳи бўлишига қарамай, бошларини чайқаб қўйдилар.

— Нега ичади дейсизлар. Ўз йиғинида ўзини кутади дейсизлар. Ичаверади. Унинг ичишини ҳеч ким таққолмайди. Ҳа, ҳеч ким! Ичишга арзигулик ишлар қилиб қўйибди, ҳа. Битта

ағдарди. Чойни хўллаб яна гапга тутинди.

— Хўш, энди нега орадан бир ҳафта ўтди-ю, шунгача индамай, мана шу хурсандчиликда итни ўртага солди демоқчисизлар, билиб турибман. Энди айбсиз парвардигор, бир қувончнинг бир йиғиси бор, дейдилар. Майли, акам ичганда мард бўларкан, нега у номард ўзгармай шундай қолаверади? — у савол назари билан ҳаммага бир-бир қараб чиқди-да, Зухра келинни чақирди:

— Зухра, хо, Зухра! Зухра келин ҳовлида куймаланади. Тонг секин-аста ҳеч қачон тугамайдиган кундалик баҳс-мунозараларнинг бирига гувоҳ бўлганича ёриша боради. Хўрозлар қичқиради, сигирлар маърайди, қуёш тиниқ осмонга кўтарилади, кўча хотин-халаж товушлари билан тўлади, хуллас, қишлоқда тонг отади. Алимурод фелдшерниқда эса тугалланмаган баҳсга уч нукта қўйлади, яъни, демоқчимизки, унинг давом этиб қолиши эҳтимолдан холи эмас.

Маъсума АХМЕДОВА



Бозорларимизни оралаган кишининг ҳайратга тушмай иложи йўқ. Ширин-шакар мевалар, сархил сабзавотлар... Кўриб кўзингиз қувнайди. Аммо дилингизни хира қиладиган манзаралар ҳам йўқ эмас. Масалан, тиланчилик қилаётганлар...

Қирқ-олтмиш ёшлардаги алпқомат кишилар хайр-садақа сўраш билан машғул. Аёлларни айтмаса ҳам бўлади.

Тиланчилик шариятга зид амал. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) бекорга «Кўлларингни паст туширманглар, яъни тиланчилик қилманглар, яхшиси, ўтин териб кун кечиринглар» демаган, ахир.

Наҳотки, сочлари оппоқ онахонларнинг кўча-кўйда, бекат ва бозорларда тиланчилик қилишаётганидан уларнинг ўғил-қизлари беҳабар бўлса?!

Наҳотки, фарзандлик бурчи ёддан кўтарилган бўлса?!

Бирни кўриб, фикр қил...

Қадр ва меҳр

Шу ўринда қуйидаги ривоятга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Аллоҳнинг улуғ пайғамбарларидан бўлган Мусо алайҳиссалом Тур тоғида Яратган билан сўзлашган. У киши сўзлашувларнинг бирида «Ё раббим, мен жаннатда ким билан бирга бўламан?» деб сўради. Шунда Аллоҳ «Эй Мусо, сен фалон шаҳарлик фалончи қассоб билан жаннатда бирга бўласан» деди.

Ҳазрати Мусо узоқ йўл юриб, ўша шаҳарга етиб бориб, бир кишининг уйида тўхтади. Меҳмон келганидан

хабар топган хонадон соҳиби у билан кўришди. Кечки пайт уй эгаси қозондан бир косага овқат сузиб, унинг бир бурчагида сават ичида ётган муштдеккина кампирнинг ёнига борди ва уни овқатлангирди. Ёши қарийб юзга яқинлашиб қолган онахон эса гапиришга мажболи бўлмаса-да, пичирлаб алланималар дея дуо қилди.

Шундан кейингина ўзига ва меҳмонга таом сузиб, дастурхонга яқинлашган соҳиби хонадондан Мусо алайҳиссалом «Бу кампир ким, нималар деб дуо қилди?» деб сўради. У

киши жавоб берди: «Бу киши менинг онам. Ҳар куни ишдан келиб, аввал онамни овқатлантириб, сўнг ўзим овқатга ўтираман. Энди нима деб лабини гапирадиган вақтларида ҳам «Илоё, жаннатда Мусо билан бирга бўлгин» дер эдилар, ҳозир ҳам шу гапни айтди».

— Эй биродар, мен худди сен айтган Мусо бўламан. Яратганининг инояти билан сен билан учрашдим, сен эса мен билан, — деди Мусо алайҳиссалом...

Рўзимурод АРЗИЕВ,
Чироқчи тумани

Илҳом

Зулматда...

Совуқ изғириннинг алангасида,
Юлдузлар анҳорга тўкилган кеча.
Оташин бўроннинг кўлангасида,
Шамоллар борлиққа қилар хархаша.

Рутубат рўёга айладими гард,
Мавжудот хайратдан жойида қотди.
Ёмғир ҳавасидан ёхуд ўзга дард,
Юрагин суғуриб хонамга отди.

Деразам орада тўсиқ бўлди-ю,
Ичкари киролмай эзилди жонлар.
Аслида ханжарга йўлиққанди у,
Деразам сатҳида оқмоқда қонлар.

Гулҳаё МАМАТОВА,
Қашқадарё вилояти



Олтин куз...

Таҳсин ва тақдир

Бу йил ёзда Тошкент вилоятидаги «Оқтош» сиҳатгоҳида дам олдим. Бу ернинг ҳавоси мен каби бронхит билан хасталанган беморлар учун жуда фойдали экан. Сиҳатгоҳдаги шарт-шароит, шифокорларнинг муомаласи менга, қолаверса, барча даволанувчиларга манзур бўлди.

Сиҳатгоҳ 136 ўринли бўлиб, июл ойида кўшимча 3 қаватли, 64 ўринли даволаш бўлими ишга туширилди. Энг муҳими, келган бемор ҳафта-ўн кундан кейин дардан фориг бўлаётганини тўла ҳис қилади. Олдин МДХ ва хориждаги кўплаб сиҳатгоҳларда бўлганман. Оқтошга келиб юртимизда

Швейцариядан асло қолишмайди-ган жой борлигига ишонч ҳосил қилдим.

Лекин эътирозга сабаб бўлувчи

ўзини овутиришаётгани фикримни тасдиқлайди. Шифо маскани кенгайтирилиб, ундаги ўринлар сони оширилса, ана шу одамларга катта имконият яратилган бўларди. Чунки Қорақалпоғистон, Хоразм ва Бухоро вилоятлари иқлими кескин континентал бўлиб, киши совуқ, ёзи ўта иссиқ. Баҳаво жойлари юртимизнинг марказий худуди ва Фарғона водийсига қараганда жуда кам. Шу сабабли нафас олиш органлари ва шунга яқин хасталиклар билан касалланувчилар сони ошиб бормоқда.

Ортиқ ҚУРБОНОВ,
Урганч шаҳри

Ажойиб маскан, аммо...

жиҳат ҳам бор. Сиҳатгоҳда даволаниш учун экологик жиҳатдан ўта ноқулай бўлган Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон учун йўлланмаларга талаб катта экан. Шунинг учун ўнлаб хоразмлик ва қорақалпоғистонлик беморлар етарли шароит бўлмаслигига қарамай, сиҳатгоҳ яқинидаги Оқтош қишлоғига фақат тоза ҳавоси учун келиб, шу билан

Фидойи олим ва устоз

Ўзбекистон Миллий университетининг физика факултетига кирсангиз, хоналардан бирининг эшигига «Нью-Йорк фанлар академияси академиги, Россия халқаро педагогика фанлари академиясининг мухбир аъзоси, физика-математика фанлари доктори, профессор Турсунметов Комилжон» деб ёзиб қўйилганини кўрасиз. Бу хона доимо домланинг шогирдлари билан гавжум.

Домла физика фанининг жонкуяри сифатида шу соҳа бўйича кўплаб дарслик, қўлланма ва илмий мақоалар нашр эттирган, 4 та муаллифлик гувоҳномаси ва 1 та патентга эга таниқли олим.

У Ўзбекистон Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари томонидан ўтказиладиган фан олимпиадаларини ташкил қилишда фаол қатнашади. Бундан ташқари, домла Халқ таълими вазирлиги ташкил этадиган иқтидорли ўқувчилар ёзги мактабининг доимий иштирокчисидир.

Шу кунгача унинг иккита шогирди номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Устоз охириги йилларда физика фанини узлуксиз таълим босқичида ўқитиш назарияси ва методикаси бўйича илмий изланиш олиб бормоқда.

Фидойи олим К.Турсунметов яқинда 60 ёшга тўлди. Домлага сиҳат-саломатлик, узоқ умр, шогирдларининг камолини кўришини тилаймиз.

Ҳамза ЭРДАШЕВ,
ЎзМУ талабаси

Яхши сўзнинг мукофоти

Икки киши Нўширавон ташкил этган зиёфатда ҳозир бўлишди. Улардан бири баланд овоз билан ушбу байтни ўқиди:

Яхшилик қил, яхши ўй ўйла!

Сўнг иккинчиси туриб, ушбу байтни айтди:

Ёмонлигим қайтмасин десанг,
Ёмон бўлма, ёмон ўй қилма!

Бу байтларни эшитган Нўширавон хуш-хол бўлди, унга жуда маъқул келди. Сўнг

биринчи байтни ўқиган кишига минг дирҳам, иккинчисига беш юз дирҳам беришни буюрди.

Турганлардан бири Нўширавондан сўради: — Эй амири одил, уларнинг байтлари битта маънода. Аммо нима учун ҳар хил тўхфа бердингиз?

— Сўзда тафовут бор. Биринчисининг сўзи бошдан-оёқ яхшилик ҳақида бўлди. Иккинчисиники эса, кишига фақат ёмонликни эслатди.
Хонбиби МАҲАМОВА

«МУШТАРИЙ МИНБАРИ» КУПОНИ №

Фамилиянги

Исминги

Отангизнинг исми

Туғилган йилинги

Манзилингиз

Иш(ўқиш) жойинги

Қайси мавзуда чиқиш қилмоқчисиз?




◆ Бокс

Харқалай қуруқ бўлмади

Мексиканинг Гвадалахара шаҳрида бокс бўйича ўсмирлар ўртасида навбатдаги жаҳон чемпионати ўзбек чарм қўлқоп усталари учун омадли ўтди. Вакилларимиздан 69 кг вазн тоифасида рингга чиққан Ботир Махмудов кумуш, 51 кг.даги Бунёдбек Машрапов ва 64 кг.даги боксчимиз Ўктам Раҳмонов жаҳон чемпионатининг бронза медалига эришди.

◆ Универсал жанг



Россиянинг Калининград шаҳрида универсал жанг бўйича жаҳон чемпионати ташкил этилди. Дунёнинг 30 дан ошиқ давлатлари вакиллари иштирок этган мусобақа том маънода кучлилар йиғилгани боис, шиддатли ва кескин курашларга бой тарзда ўтди.

Жаҳон тан берди

Юртимизда универсал жангни ривожлантириш бўйича ишлар самарали йўлга қўйилган. Ҳар йили пойтахтимизда жаҳон ва Осиё миқёсидаги йирик нуфузли мусобақалар ўтмоқда. Бунинг самараси эса спортчиларимизнинг халқаро майдонлардаги иштирокида яққол намоён бўлаётир. Калининградда ўзбек азаматлари Нуриддин Нуриддинов ва Алишер Абдуллаев барча рақибларидан устун эканликларни намоён этиб, жаҳон чемпионати олтин медалларини қўлга киритишди.

Дунёда биринчи рақамли жангчи бўлиш йўлига чиқиб олган ҳамюртимиз Нодира Казакова мусобақанинг кумуш, Жамол Омонов, Жамшид Қораев, Мурод Тўраев эса бронза медаллари соҳиби бўлишди. Терма жамоамиз умумиякунда иккинчи ўринни банд этишди.

Жаҳон яна Ўзбекистонга, унинг спортчиларига тан берди. Демак, тажрибали мураббийлар Сардор Тошхўжаев ва Абдулла Кўчмуродов меҳнати зое кетмади.

◆ Сарҳисоб олдиан

Жепаров номзодлар қаторида

Осиё футбол конфедерацияси қитъамизнинг 2008 йилдаги энг яхши ўйинчиси номига даъвогарлик қилаётганларнинг якуний рўйхатини эълон қилди.

Ундан жами 14 нафар футболчи жой олган бўлиб, даъвогарлар ичида Ўзбекистон миллий терма жамоаси ҳамда «Бунёдкор» ярим ҳимоячиси Сервер Жепаров ҳам бор. Фолиб номи 25 ноябр куни Хитойнинг Шанхай шаҳрида ўтказиладиган маросимда эълон қилинади.

Марҳамат, даъвогарлар номи билан танишинг: (Исм ва фамилиялар инглиз алифбоси тартибидан берилган)

1. Аҳмад Ажаб (Кувайт ва «Ал-Қоддисия»)
2. Али Ал-Ҳабси (Уммон ва «Болтон», Англия)
3. Андрес Себастьян Сория Куинтана (Қатар ва «Катар» СК)
4. Чо Кум Чол (КХДР ва «25 апрел»)
5. Иброҳим Содихи (Эрон ва «Сайпа»)
6. Исмоил Матар (БАА ва «Ал-Ваҳда»)
7. Жеҳад Ал-Хуссайн (Сурия ва «Кувайт» СК)
8. Марк Шварцер (Австралия ва «Фулхэм», Англия)
9. Натан Бернс (Австралия ва АЕК, Греция)
10. Саад Ал-Қарти (Саудия Арабистони ва «Ал-Наср»)
11. Сервер Жепаров (Ўзбекистон ва «Бунёдкор»)
12. Трэйвис Додд (Австралия ва «Аделаида Юнайтед»)
13. Яцухито Эндо (Япония ва «Гамба Осака»)
14. Южи Наказова (Япония ва «Иокогама Ф Маринос»)

◆ ЖЧ-2010



Ўзбекистон миллий терма жамоаси Япониядан ижобий натижа билан қайтганидан сўнг, ЖЧ-2010 йўлланмаси учун яна имконият пайдо бўлди. Фақат бунинг учун тинмай изланиш, ёш истеъдодларни кашф қилиш талаб этилади. Яъни терма жамоа мураббийлари кўпроқ вилоятларга ташриф буюриб, ўйинларни бевоҳита стадионларда

Умидлар оқланиши учун

кузатишлари лозим. Шундай бўлмоқда ҳам. Масалан, олий лига 23-туридан ўрин олган «Сўғдиёна» – «Андижон» учрашувини миллий терма жамоа бош мураббийи Миржалол Қосимов, 24-тур ўйини «Андижон» – «Насаф» баҳсини унинг ёрдамчиси Амет Мемет, худди шу турнир «Металлург» – «Пахтакор» баҳсини улар икковлашиб бевоҳита стадионда кузатишган.

Чемпионат пешқадами «Бунёдкор» клубида ўзгариш юз берди. Ўзбекистон миллий терма жамоасининг собиқ ўйинчиси, Осиё ўйинлари чемпиони, Ўзбекистон, Саудия Арабистони ва Ма-

лайзия чемпиони, «Про» лицензиясига эга мутахассис Азамат Абдураимов энди клуб спорт ишлари директори лавозимида фаолият юритади. Бу лавозимни эгаллаб турган Бахтиёр Бобоевга футбол мактабини назорат қилиш ва бўлажак футбол академиясини ташкил этиш масалалари билан шуғулланиш масъулияти юкланди.



◆ Профи-ринг

Хаваскор бокс бўйича Олимпиада чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаев профи-рингда ҳам қатор ғалабаларни қўлга киритганидан хабарингиз бор. Аммо кейинги пайтларда у рингларда кўринмаяпти. Биз яқинда, чемпион айни кунларда нималар билан машғуллиги ҳақида мувожаат этдик.

Муҳаммадқодир қаерда?

— Сўнги икки йил давомида дам олдим. Андижонлик ёш боксчилар, шогирд укаларимга машғулотларда маслаҳат бериб юрдим. Бироқ яна рингга қайтиш истаги туғилмапти. Машғулотларга киришдим. Бироз вазн ташлашим керак. Мухлисларга маҳоратимни кўрсатиш, уларни хурсанд қилиш мақсадида яна жанг ўтказмоқчиман, — дея жавоб қилди Абдуллаев.

Профи-рингга оид яна бир янгилик. «Фавзул Мунаввар» профессионал бокс

клуби (президенти Шухрат Ҳайдаров) аъзоси Турсунбой Абдулякимов россиялик боксчи Константин Цзюнинг шогирди Антон Солопов билан рингга чиқади. 6 декабр куни эса Қувончбек Тойғонбоев Россия вакили Дмитрий Пирог билан WBC ва WBO Asia Pasific чемпионлик камари учун баҳс олиб боради. Зоҳид Худойбердиев ва Вячеслав Гусев жангида (Россия) WBC Intercontinental чемпионлик камари тақдири ҳал бўлади.



◆ Осиё чемпионати



Иорданиялик тенгқурлари билан бўлган дастлабки тур учрашувида Аҳмад Убайдуллаев шогирдлари 1:0 ҳисобида зафар кучишди. Дастлабки дақиқада дарвозабонимиз Доинёр Усмонов кучли зарб билан тўпни ўйинга киритди ва Иордания терма жамоаси жарима майдонига етиб борган тўп рақиб ҳимоячисининг қўлига тегди. Учрашув ҳақами ҳеч иккиланмай 11 метрлик нуқтани кўрсатди. Пенальтини жамоа сафидаги ягона легионер — Қозоннинг «Рубин» клуби ҳужумчиси Даврон Мирзаев аниқ амалга оширди. Мусобақанинг иккинчи турида рақибимиз австрали-

Баҳс қизғин паллада

Хабарингиз бор, шу кунларда Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Саудия Арабистонининг Даммам ва Ал-Хобар шаҳарларида ўтаётган футбол бўйича Осиё чемпионатида иштирок этмоқда.

ялик ёшлар бўлди. Яшил қитъа вакиллари ҳам 1-турда Таиланд устидан 1:0 кўринишида ғалабага эришишганди.

Демак, ҳар икки жамоада ғалабага бўлган интилиш юқори. Ўйиннинг 38-дақиқасида терма жамоамиз сардори Шерзод Каримов ҳисобни очган бўлса, 50-дақиқа австралияликлар учун омадли келди.

Жамоалар ҳарчанд ҳаракат қилишмасин, бошқа ўзгариш бўлмади. Гуруҳимиздаги иккинчи учрашувда таиландлик ёшлар иорданиялик тенгқурларидан 3:2 ҳисобида устун келишди.

◆ Олий лига

Яқунга тўрт тур қолганда...

Ўзбекистон чемпионатининг 26-турида «Бунёдкор» ва «Кизилқум» жамоалари учрашувининг 81-дақиқасида иккинчи бўлим бошида захирадан майдонга туширилган Баҳодир Пардаев «Кизилқум» дарвозабонининг кўпол хатосидан унумли фойдаланган ҳолда ўйин тақдирини ҳал қилган ягона голга муаллифлик қилди...

81-дақиқа бу сафар ҳам «Бунёдкор» жамоаси учун фойдали бўлиб чиқди. Эсингизда бўлса, бундан олдинги ўйинларда Гочгули Гочгулиев «Шўртан»га ва Анвар Солиев ОТМК дарвозасига айнан 81-дақиқада ғалаба тўпини киритишганди.

Қолган учрашувларда қуйидаги ҳисоблар қайд этилди:

- ШЎРТАН – ПАХТАКОР - 0:2,
- АНДИЖОН – ОТМК - 1:0,
- НАВБАҲОР – БУХОРО - 0:1,
- МЕТАЛЛУРГ – НАСАФ - 1:0,
- МАШЪАЛ – СЎҒДИЁНА - 0:0,
- ЛОКОМОТИВ – НЕФТЧИ 4:1,
- ДИНАМО – ЎЗДОНГЖУ - 3:0



Турнир жадвали:


№	Жамоа	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1.	Бунёдкор	26	23	3	0	67-9	72
2.	Пахтакор	26	20	5	1	57-12	65
3.	Нефтчи	26	15	5	6	34-21	50
4.	Андижон	26	13	5	8	35-25	44
5.	Машъал	26	11	7	8	28-22	40
6.	Динамо	26	11	5	10	33-31	38
7.	Металлург	26	10	5	11	24-31	35
8.	Насаф	26	9	5	12	23-27	32
9.	Локомотив	26	9	4	13	34-35	31
10.	ОТМК	26	8	6	12	26-30	30
11.	Навбахор	26	7	7	12	25-36	28
12.	Шўртан	26	8	4	14	18-40	28
13.	Сўғдиёна	26	7	7	12	27-32	28
14.	Кизилқум	26	8	3	15	23-39	27
15.	Бухоро	26	7	4	15	24-37	25
16.	Ўз-Донг Жу	26	2	5	19	12-55	11

Қора танли илк президент

4 ноябр куни АҚШда президент сайлови бўлиб ўтди. Сайловнинг натижаси ҳали расман эълон қилинмаган бўлса-да, овозларнинг ярми санаб бўлингандан сўнг мамлакат оммавий ахборот воситаларида демократ Барак Обама галаба қозонганлиги ҳақида хабарлар пайдо бўлди. Уни Калифорния, Огайо, Пенсилвания, Нью-Йорк сингари йирик штатларнинг аҳолиси қўллаб-қувватлаган.

Республикачилар партиясидан президентликка номзод Жон Маккейн мағлубиятини тан олиб, рақибини галаба билан кутлади.


Шундай қилиб Америка тарихида биринчи марта қора танли киши президент этиб сайланди. Янги президентнинг лавозимига киришиш маросими 2009 йил 20 январ куни ўтказилади.



Хорижликларга Россия мукофотлари топширилди

Россияда 4 ноябр халқ бирлиги куни сифатида байрам қилинади. Сешанба куни Кремлда бўлиб ўтган қабул маросимида мамлакат президенти Дмитрий Медведев хорижда рус маданиятини сақлаш, ривожлантириш ва оммавийлаштиришга қўшган улкан ҳиссаси учун бир гуруҳ чет эллик маданият ва жамоат арбобларига Россия давлат мукофотларини топширди. Жумладан, Мадриддаги Чехов номли театр директори Анхел Рамирес, АҚШда яшовчи rassom ва ҳайкалтарош Иля Кабаков, германиялик режиссёр Петер Штайн «Дўстлик» орденига сазовор бўлган бўлса, Токио чет тиллар университети президенти Икуо Камэямага Пушкин медали берилди.

Қисқа сатрларда



Германиянинг Ганновер шаҳри яқинида чўғи ўчирилмаган сигарет туфайли автобусда ёнғин чиққан. Натижада 12 йўловчи турли даражада жароҳатланган, 20 нафари ҳалок бўлган.



Грузия президенти ва Куролли кучлар олий бош қўмондони Михаил Саакашвили сешанба куни мамлакат куролли кучлари бирлашган штаби бошлиғини алмаштирди. Мазкур лавозимга Заза Гогаванингни ўрнига Владимир Чачибая тайинланди. Президентнинг айтишига қараганда, жорий йилнинг августида бўлиб ўтган воқеалар жиддий таҳлил қилингандан сўнг шундай қарорга келинган.

Чойхўрларга тавсия

«The Daily Telegraph» газетасининг сешанба кунги сониди ёзилишича, Буюкбританиянинг «Envigowise» ҳукумат ташкилоти корхоналарнинг эгаларига мурожаат қилиб, уларни ходимларга чой дамлаш учун ишлатиладиган сув миқдорини камайтиришга чақирди.

Ташкилотнинг ҳисоб-китобларига кўра британияликлар ҳар йили эҳтиёждан ортиқ 30 млрд. чашка сувни қайнатишар экан. Бу эса катта миқдордаги электр энергияси исроф қилинади деганидир.

Солиқ тўловчилар уюшмаси вакиллари эса мазкур ташаббусни фойдасиз деб ҳисоблаб, ҳукумат шунга ўхшаш маслаҳатларни ишлаб чиқиш учун солиқ тўловчиларнинг маблағини совураётганига шаъма қилган.



...Миллиардер бўлиш шарт эмас

Шахсий самолётга эга бўлиш учун Хитойда миллиардер бўлиш шарт эмасга ўхшайди. Яқинда Хитой телекоммуникация компанияларидан бирининг ходими Пэн Цун китоблар ва интернетдаги маълумотлардан фойдаланиб, ўзи ясаган қўлбола самолётни муваффақиятли синовдан ўтказди. Бир моторли мазкур самолёт қанотларининг узунлиги 9,75 метр, фюзеляжиники эса 5,48 метрга тенг.

Синовда самолёт 320 метр баландликка кўтарилди, бироқ конструкторнинг айтишича, у 3500 метргача чиқа олар экан. Цун самолётда юк ташишни мўлжаллаётди.

Ушбу учар машинани ясаш ҳаваскор конструкторга 21500 долларга тушган. У бу билан чекланиб қолмасдан бир нечта ҳамкор топшишни режалаштирмоқда.



Банк тизимини кутқариш режаси

Украина Вазирлар Маҳкамаси банк тизимини қайта капиталлаштириш тизимини тасдиқлади. Мамлакат молия вазири Виктор Пинзеникнинг гапига қараганда, банклар ички давлат заёми облигациялари тизими орқали сотиб олинади. Шу тариқа давлатнинг улуши банкларнинг устав капиталига киритилади, шундан кейин Украина миллий банки мазкур қоғозларни сотиб олади.


Вазирнинг айтишича, бундай чора банкларни «акционерларнинг мулки» сифатида эмас, молиявий муассаса сифатида сақлаб қолиш учун амалга ошириляпти.

Бундан аввалроқ Украинага Халқаро валюта фондидан иқтисодийни барқарорлаштириш учун икки йил муддатга 16,5 млрд. доллар кредит берилган эди.

Украина сингари Жанубий Корея ҳам глобал кредит инқирозининг таъсиридан ҳимояланиш чораларини кўраяпти. Яқинда мамлакат режалаштириш ва молия вазири Кан Ман Су иқтисодийни қўллаб-қувватлаш учун 14 трлн. вон (10,9 млрд. доллар) сарфланишини маълум қилди. Шундан 11 трлн. вон ижтимоий лойиҳаларни ривожлантиришга сарфланса, мамлакат бўйича солиқлар 3 трлн. вон миқдориди камайтирилади. Ушбу чора 2008 йили Жанубий Корея иқтисодийти 1 фоиз ўсишини таъминлаши кутуляпти. Натижада 200 мингга яқин янги иш ўринлари яратилади.




Лондон мэри Борис Жонсон уйларнинг томини сабзавот етиштиришга мослаштириш таклифи билан чиқди. Агар таклиф амалга ошса, шаҳарда жами 24 минг гектарга яқин янги экинзорлар пайдо бўлади. Пойтахт ҳокимияти вакиллари фикрича, бу шаҳардаги экологик ҳолат яхшиланишига ҳам ёрдам беради.



29 октябр куни Канададан Хитойга темир рудаси олиб кетаётган Туркиянинг «Яса Неслихан» кемаси Адан кўрфазиди денгиз қароқчилари томонидан гаровга олинган эди. Қароқчилар кемага эгалик қилувчи компаниядан уни озод қилиш учун пул талаб қилишяпти. Айнан қанчаллиги ҳозирча маълум эмас.

Хориж матбуоти хабарлари асосида Ҳасан НИШОНОВ тайёрлади



СИЗДАН...
ИЗОХИ



«Съёмка» майдонида,
Кўп ўтмайин чиқаман.
Шу гримда бўлсам ҳам,
Бир амаллаб чекаман.

Кўзимни очиб олсам,
Грим тайёр бўлар, бас.
Ҳамма ўйлар: чиқибди
Яна янги «Фантомас»

Асадулло
МИРЗААҚБАРОВ,
«Ҳамкорбанк» ОАТБ
бирлашган
касаба уюшмалари
қўмитасининг раиси

Қорамани ва ёки африкалик табиши,
Ё кўмир қонидаги шахтёрларга адашми,
Тамаки қистирмоқчи бўлган эдим лабимга
Мени кўриб баъзилар юзсиз дея аташди.

Кинода бошсиз чавандозни кўргандим.
Бозорда юзсиз бир шоввозни кўргандим.
Билиб бўлмас юз қани, қошу-қўз қани?

Минг лангит, қайдаки чекишни ўргандим.

Шухрат ХАЛИЛОВ,
Навоий шахри



Энди навобатдаги суратга
изоҳ топинг-чи?

«Обуна — 2009»

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Эллиққалъа туман бирлашган қўмитаси раиси Тўхтабой Рейимов таҳририятга кўнғироқ қилиб, тумандаги соҳа ходимлари «Ishonch» газетасига 40 дона обуна бўлишганини, тез кунларда яна 40 та обуна уюштирилажагини билдирди.

Ўзимизнинг газета

— Соҳа ходимлари газетанинг ҳар бир сонини орзиқиб кутишади, чунки унинг мазмун-мундарижаси тобора бойиб бораётганлиги бизни қувонтиради, — деди суҳбатдошимиз.

Умуман, барча тармоқ касаба уюшмалари раҳбарлари Қорақалпоғистонда «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» мухлислари сони ортиб бораётганлигини билдиришмоқда.

Хусусан, шу пайтгача соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Қорақалпоғистон кенгаши томонидан «Ishonch» газетасига 120, «Ishonch-Доверие»га 15 дона, Ёнилги энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Қорақалпоғистон вакиллиги «Ishonch» газетасига 40 донадан зиёд, «Ishonch-Доверие»га 15 дона, алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси

«Ishonch» газетасига 30 та, «Ishonch-Доверие»га 10 та йиллик обуна уюштиришга муваффақ бўлдилар.

— Туманимизда ҳам «Ishonch»нинг мухлислари бир талай, — дейди агро-саноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Хўжайли туман вакили Мирзамурот Оразшаев. — 2009 йил учун тармоқ бўйича «Ishonch» газетасига 20 дона, «Ishonch-Доверие»га 5 дона обуна уюштирилди. Ҳали «Ishonch»га обуна бўлиш истагидаги аъзоларимиз кўп.

Умуман, республикамизнинг барча ҳудудларидаги каби Қорақалпоғистонда ҳам «Ishonch»нинг мухлислари кун сайин ортмоқда. Таҳририят барча ҳамкорларга ўз миннатдорчилигини билдиради.

Ўз мухбиримиз

«ISHONCH» — СИЗНИНГ ДЎСТАНГИЗ

- Агар мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари, меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги долзарб мақолалар, машҳурлар ва эл назаридаги юртдошларимиздан эксклюзив интервьюлар, инсон руҳияти инъикоси бўлган асарлар ва бугуннинг нафаси уфуриб турган янгиликлардан энг биринчи бохабар бўлай десангиз...



...«ISHONCH» билан дўстлашинг!

Мабодо уни газета пештахталаридан топа олмасангиз...

...«ISHONCH»га ОБУНА бўлинг!

Шунда у кунора эшигингизни ўзи тақиллатиб боради.

«Ishonch» йил давомида сизнинг энг яқин ҳамкорингиз ва маслаҳатчингиз бўлиб қолади!

Мунажжим башорати

(10-16 ноябр)

КУЛ
Саранжом-саришталик ва ҳар бир юмушга ишнинг кўзини билиб, эҳтиёткорлик билан ёндошинг. Ҳар бир нарсани ҳисобга олишга ҳаракат қилинг. Ўйлаб қўйган режаларингизнинг келгусида амалга ошиши ҳисоб-китобингизнинг аниқлигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Соғлигингизга эътибор беринг.

БУЗОК
Ўзингизни қутаётган вазиятни ҳолис баҳолаб, унга танқидий ёндошинг. Зарур бўлган тақдирда вазим кишилар билан маслаҳатлашинг. Ишда зиддиятларга тўқнаш келишдан ўзингизни асранг. Асло уйда ўтириб қолманг. Бўш вақтингизни спортга бағишланг.

ЭТИЗАКЛАР
Ушбу ҳафтада иш жойингизда муаммолар пайдо бўлиши мумкин. Зиддиятлардан нари юришга ҳаракат қилинг. Жуда ўзингизни кўрсатингиз келса ҳам тилингни тийганингиз маъқул. Бу ҳол сизнинг обрўйингизга пугур етказиш эҳтимоли бор.

КИСКИЧБАКА
Мувозанатни ўзингиздан қидиринг. Ана шундагина ташқи дунё билан манфаатли муносабатда бўла олишингиз мумкин. Ўзингиз ёқтирмайдиган кишилардан нари юргангиз маъқул. Ҳозир ўз малакангизни оширишга кўпроқ вақт ажратишингиз лозим. Бирор нарсани бой бериб қўйишдан асло қўрқманг. Эҳтиёт бўлинг, шубҳали таклифларга учманг.

АРСЛОН
Сизнинг бу ҳафтадаги ширингиз — шоша-шошарлиқа йўл қўймасликдир. Барча муаммоларни жиддий ҳал қилинг, ўз кучингизга ишонинг, воқеалардан илгариллаб келишдан ўзингизни тийинг. Бир қарорга келишдан олдин етти ўлаб, бир кесинг. Наҳика теъдда кўра таштанмас-да, оқир-оқибат сиз учун самарали бўлади.

ПАРИЗОД
Бу ҳафта фаол ҳаракат учун жуда қўлай. Сизнинг қарорларингиз, ҳатто улар таваққуллик асосига қўрилган бўлса ҳам, нафақат тўғри, ягона тўғри қарор бўлиб чиқади. Агар сиз ёлғани илчи сифатида ишлаётган бўлсангиз, рабариятдан меҳнат шароитингизни яшиғашни ёки иш ҳақингизни оширишни талаб қилишингиз мумкин.

ТАРОЗИ
Янгиликка тайёр туринг. Ҳаётингизда ўзгаришлар юз бериши эҳтимоли бор. Лекин ҳамма нарсанинг тез ўзгаришини кутманг, ўз нуқтаи назарингизни ҳимоя қилишга ҳам тўғри келиши мумкин. Боз устига бошқа одамларга ўз йўлларини топиб олишларига йўл-йўриқлар беришингизга ҳам тўғри келади.

ЧАП
Ҳафта у қадар омадли бўлмаслиги мумкин. Келишув ва битимларда қўтилимаганда муаммолар чиқишига тайёр туринг. Ҳар бир масалага ақл-фаросат билан ёндошинг. Тигиз вазиятлар ҳеч ҳераксиз пайтда асабларингизни ўйнатиб қорбони мумкин. Ўзингизни қўлга олинг. Спорт билан шуғулланг.

УКОТАР
Ўзингизга қараганда тажрибалироқ ҳамкасбларингиз ва ишончи дўстларингизнинг маслаҳатларига иложи борича тўла-тўқис риоя қилишга интилинг. Иш юртида йўл қўйилган хатоларни ўз вақтида тузатишга ҳаракат қилинг. Иш юзасидан хизмат сафарларига чиқиш омад келтиради.

ТОҒ ЭҶКИСИ
Бу ҳафтада бутун кунингизни ишга солиб, аввалдан миёда пишитиб юрган режаларингизга ўзгартиришлар киритинг. Ўз хатти-ҳаракатларингизни ҳолис баҳолаб, лозим бўлса, феъл-атворингизни тузатиб олинг. Соч турмагингизни тартибга солишни ҳам унутманг.

КОВГА
Қасб-корингизда ёки шахсий ҳаётингизда бахт қўши қўнишига тайёр туринг. Муҳими, ўзингизга ишонинг, келган омадни қўлдан бой берманг. Ён-атрофдагиларга ва яқинларингизга меҳр-оқибатли бўлинг. Дам олиш кунларини оила даврасида ўтказинг.

БАЛИК
Турли-туман юмушларни ўз елкангизга олишдан асло қўйманг. Меҳнатга эйр бергангиз сари куч-қувватга тўлиб бораётганингизни ҳис қилсангиз. Дам олиш кўни яқинлашгани сайин ўзингиз ҳақингизда ҳам қайиришингиз, шу билан бирга соғливингиз билан шуғулланишингиз мумкин.

Ishonch МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси	Бош муҳаррир Абдуҳолик АБДУРАЗЗОҚОВ	Бизга кўнғироқ қилинг: Котибият: 256-52-78 Хатлар бўлими: 256-85-43	Бизнинг манзил: 100165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134	Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.	Навбатчи котиб - Ж.Шарофбоев Навбатчи - А.Абдиев Мусахҳих - Ш.Абдусаматов
	Таҳрир ҳайъати: Алла Долженкова, Анвар Юнусов, Довуд Мадиев (Бош муҳаррир ўринбосари), Жаҳонгир Шарофбоев (масъул котиб), Маъмура Адилова, Мирзоҳид Содиқов, Нормамат Аллаёров, Носирхон Ахбаров, Ойсулв Нафасова, Пиримкул Қодиров, Соғиндиқ Ниетуллаев, Шамси Эсонбоев	Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3. Ҳажми 4 босма табоқ.	«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Коржона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.	Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда «Ishonch»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Тижорат аҳамиятига молик материаллар (D) белгиси остида чоп этилади.	Саҳифаловчи-дизайнер: Ҳ.Абдуҷалилов Буюртма Г-1014 Тиражи: 9946 Босишга топшириш вақти - 21.00 Топшириш вақти - 21.40 Сотувда эркин нархда 2 5 6